Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

35 сон 1 — 7 сентябр, 2005 йил

Энг улуғ, энг азиз байрам муборак!

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, ОМОНЛИК ЁР БЎЛСИН!

Ватан мустақиллиги... 14 йилки, ҳар бир инсон учун, эл-юрт учун энг олий қадрият саналмиш ана шу муқаддас неъматдан бахрамандмиз. Ўтган қисқа муддат мобайнида Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида юртимизда эл-юрт равнақига хизмат қилувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўз туғимиз, ўз байроғимиз, ўз мадҳиямиз, ўз тилимиз, ўз йўл-йўриғимиз, хуллас, инсоний турмушнинг барча жабҳаларида "ўз"лигимизга эриша олдик. Олис минг йилликларни қамраб олган тарихий қадриятларимизни тиклаб олдик, жаҳон фани, санъати, маданияти хазинасига салмоқли ҳиссасини қўшиб, ўзбек деган номни улуғлаган буюк ватандошларимиз, юрт озодлиги, ҳуррлиги йўлида шаҳид кетган ота-боболаримиз хотирасига таъзим бажо айладик. Истиқлол нури шаҳру қишлоқларимиз чиройига чирой қўшди. Янги, замонавий уй-жой ва ишлаб чиқариш иншоотлари, янги йўлу кўприклар, боғ ва хиёбонлар қад ростлади. Юртбошимизнинг: - **"Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз!"** - деган гапи ҳаётимизда амалга оширилаётган ишларимизда, ҳар биримизнинг кўнгил ниятларимизда ҳамиша акс-садо бериб турибди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, бунёдкорона ўзгаришлар инсонга хизмат қилади, унинг манфаатларини кўзлайди. Мақсад-муддао — бугунимиз ёрқин, эртамиз эса бундан ҳам ёруғроқ бўлсин. Ўтаётган йилларимизда муқаддас гўшамиз - Оилага, ҳаёт чиройи, мазмунини ўзида мужассам эта олувчи Аёлга - Онага, эртамиз бунёдкорлари - фарзандларимизга айниқса кўпроқ эътибор қаратиб келинаётганлиги қувончлидир. Аёллар, Оналар ва болалар, Оила, Соғлом авлод, Меҳр-мурувват, Сиҳат-саломатлик... Президентимиз томонидан ана шундай номланган йилларимизда амалга оширилаётган бунёдкорона ишларнинг барчасини санаб адоғига етиш қийин.

Биз мустақиллик байрамимиз ҳақида гап кетганда дилда аллақандай фахру ғурур ҳисси билан албатта "Энг азиз, энг улуғ" сўзларини ҳам қўшиб айтамиз. Мамлакатимизда байрам тараддуди ҳар йили 2-3 ой олдин бошланади - иморатлар қуриб битказилади, янги йўллар очилади, кўприклар қурилади, ҳовли-жойлар, кўчалар саранжом-саришталанади... Хуллас кўнгилларда ажиб бир сурур, ҳаяжон ҳукм суради. Бу йил ҳам ҳаётимизда ана шундай руҳ ҳукмрон бўлди. Ватан озодлиги, ободлиги, тараққиётига интилишу изланишлари, бунёдкорона, фидоий меҳнати билан ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиздан бир гуруҳи Президентимиз Фармони билан ҳукумат мукофотлари, унвонларига сазовор бўлишди. Биз кўп минг сонли газетхонларимиз номидан мукофотланган барча юртдошларимизни муборакбод этамиз.

Бугунги умумхалқ байрами кунида бир-биримизни қизғин муборакбод этарканмиз, ҳар биримизнинг кўнглимиздан Президентимизнинг улуғ айём арафасида Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" бешинчи Халқаро мусиқа фестивалида айтган қуйидаги муборак сўзлари ҳам албатта кечади:

- Қани эди, дунёда урушлар, портлашлар, қарама-қаршиликлар барҳам топса, кишилар ўртасидаги низо-адоватлар йўқолса ва замин узра фақат гўзал мусиқа садолари янграб, одамзодни ёмон йўлдан қайтариб, эзгуликка даъват этса!

Дилбар САИДОВА

Ватан

Ватан жим туради, аммо у ҳақда
Тоғдан тушиб келган тош Сўз айтади.
Бир садолар келар жим-жим куртакдан,
Осмондан келган қуёш Сўз айтади.

Ватан жим туради. Байроғи - ёниб
Бошидаги туғи айтади Сўзни.
Мозийлардан келиб чир-чир айланиб
Момомнинг урчуғи айтади Сўзни.

Ватан жим туради. Саболарининг
Найларга қўшилиб бўзлари кўпдир.
Саратон. Даштдаги боболаримнинг
Пастак чайлаларин сўзлари кўпдир.

Ерда бундай гўзал ер йўқ, ой йўқ деб,
Кўнглим бир ойдинлик юктириб турар.
Етмоққа бундан-да иссиқ жой йўқ деб
Онамнинг мозори уқдириб турар...

Ватан жим туради...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

Ўзбекистонимсан

(достондан парча)

Ватаним - мустақил,
Халқим мустақил!
Осон етишмадик мустақилликка...
Қанча-қанча қурбонлар бердик,
Барҳам бермоқ учун қулликка.
Ҳайқирсам, арзийди Архимед каби!
Мен йўлимни топдим: "Эврика!"
"Эврика" - юнонча "Топдим", - дегани.
Топдим ўз йўлимни,
Нурли йўлимни.
Дўстлик риштаси
Кўпайсин, - дея.
Дунё халқларига бердим қўлимни.
Энди Ўзбекистон
Кампанелланинг
"Қуёш шаҳри" каби
Бир диёр бўлгай.
Энди кеча-кундуз қўлимда қалам -
Истиқлол илҳоми менга ёр бўлгай!
Қодирийлар келар,
Чўлпонлар келар,
Усмон Носир туғилар қайта.
Абдулла Орифлар,
Эркин Воҳидлар
Она юрт ҳақида қўшиқлар айта
Барча жам бўлгайдир
Юрт минбарида.
Мен ҳам кўринсайдим улар сафида
Орзуйимдай гўзал шеърларим билан.
Бугун байрам -
Кузнинг илк куни,
Бутун юртда қўшиқ ва ўлан,
Озодлик!
Сен менинг жонимсан, қайноқ қонимсан,
Йўқотган боласин мунғайиб кутган,
Йўл қараган озурда она,
Ватан,
Фарзандини топган Ўзбекистонимсан!
Истиқлол ҳақида нурли хаёллар.
Чўнг йўл бошидаман,
Йўқ дилда шубҳа.
Сенинг байрамингга, эй она халқим,
Ушбу достонимни айладим туҳфа!

Исматулла ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд.

- "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишдек бахт менга ҳам насиб этганидан бошим кўкка етди. Шу мукофот туфайли пойтахтимиздаги нуфузли олийгоҳларнинг бирига ўқишга кириш имтиёзини олдим. "Истиқлол қуёши" шеърий китобим чоп этилди. Бу мукофот ўз устимда тинимсиз меҳнат қилишга, аъло ўқишга чорласа, мустақил юртимиздаги бунёдкорона, осуда ҳаёт, ота-онамнинг омонлиги, устозларимнинг хайрихоҳлиги, дўстларимнинг меҳру-муҳаббати эса шеър ёзишга ундайди. Қалбимдаги чексиз қувончу шодликлар, истиқлол шукуҳи шеърий машқларимда ўз аксини албатта топади,-дейди "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори, ёш шоира Гули Нигор Авазова.

АДИБА

Истеъдодли санъаткор Нилуфар Раҳматова мустақиллик байрами арафасида «Дўстлик» орденига мушарраф бўлди.



- Камтарин хизматларим учун олий мукофотга муносиб кўрилганимдан бахтиёрман. Истиқлолга, юртга бағишланган қўшиқларимни айтиб ўзим ҳам ҳузур қиламан. Турмуш ўртоғим бастакор Султонали Раҳматов билан биргаликда яратилган қўпгина қўшиқларим мустақиллик бахш этган бахту саодатимиз, меҳнаткаш юртдошларимизни мадҳ этади. Санъаткорнинг кўнглини юксалтирган, меҳнатини рўёбга чиқарган истиқлолимдан ўргилай!

САНОБАР

Энг улуғ, энг азиз байрам муборак!

БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Шаҳарнинг 24та ҳудудида яшовчи болаларнинг соғлиги бизнинг назоратимизда. 24 нафар болалар шифокори уйма-уй юриб фарзандларимизнинг аҳволидан хабардор бўлишади. Поликлиникамизда болаларнинг дардини аритиш учун шароит бор. Ҳатто ётиб даволанадиган (стационар) шифохонамиз ҳам она ва бола учун хизматда. Барча бўлимлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Репродуктив саломатлик маркази ҳам ташкил қилинган. Даволаш хизмати, дори-дармонлар бепул.

Шифокорлигимдан фахрланаман. Ахир, бу йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб аталишининг ўзиёқ мустақиллик шарофати эмасми?! Мутахассисларимизнинг чет элларда ўқиб, тажриба алмашиб келаётганлари истиқлол туфайли-ку! Аёл ўзини ўйлашга, туғилажак боласи ҳақида ўйлашга имконият яратилганининг ўзи бахтимиз эмасми? Шуларга кўз тегмасин дейман!

Малика АКМАЛОВА,
Наманган вилояти, Наманган тумани, 2-болалар поликлиникаси бош ҳакимаси.

ОИЛА—МАҲАЛЛА—МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ



Биз кўпни кўрган бобою бувижонлар, ота-оналар ўғил-қизларимизга фаровон ҳаёт манбаи ҳалол меҳнат, ватанга садоқатда эканлигини таъкидлашимиз керак. Бундай улкан масъулиятли, шарафли вазифа мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини талаб этади.

Фаолларимиз ва 256-мактаб ўқитувчи-ўқувчилари ҳамкорлигида маҳалла тарихи ўрганилди, барча оилаларга кириб борилди, баъзи хонадонларда яшовчи диний-экстремизм оқимларига мойиллиги бўлган шахслар аниқланиб, маҳалла имоми, фаоллар билан биргаликда алоҳида давра суҳбатлари ўтказилди. Тўй, маросим ва маъракаларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида таҳлилий-тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда.

Оилавий можаролар, ажралишлар ўрганиб чиқилиб, бир неча оилаларни қайта тиклашга мувофиқ бўлинди. Мен фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни мустақиллик байрамимиз билан муборакбод этаман. Хонадонларимиз тинч, маҳаллаларимиз обод бўлиб, Ватанимиз тараққиётга эришаверсин.

Эгамберди ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ал-Фаробий маҳалласи сардори.

ТАДБИРКОРНИНГ ЙЎЛИ ЁРУҒ

Мустақиллик бир нур бўлиб ҳаётимни ёритиб турибди. Аввалига қариндош-уруғларнинг тикув машиналарини йиғиб, таъмирлаб, "янгилаб" олдим. Иқтидорли қизлардан 10 нафарини ишга таклиф қилдим. Фирмамизнинг овозаси худога шукр, ёмон бўлмади. Тикув цехини кенгайтириш учун, давлатдан кредит олиб, барча шароитга эга бино қурдик. Тикув маркази ишга тушди. 20 хотин-қиз иш билан таъминланди. Излаган имкон топар, дейишади. Бу имконни бизга берган мустақиллик-да!

Клара ДЎСТОВА,
(Суратда иккинчи қаторда—чапдан тўртинчи) Навоий вилояти, Учқудуқ тумани,"Клара" тикув фирмаси бошлиғи.

- Фарзандларим, келинларим, куёвларим барчаси зиёли, меҳнаткаш. 11 йил мактабда ишладим. Турмуш ўртоғим Шавкат Қорақулов (раҳматлик) туман қурилишлари учун кўп тер тўккан одам эдилар. Келинларим, қизларимнинг одобига кўпчилик ҳавас қилади. Бу ҳам менинг бахтим-да,-дейди қувонч билан, Жиззах вилояти, Фалларорол тумани "Ибратли оила" кўрик танловининг голиби Робия опа Эрматова.

Шу кунларда Тошкент шаҳар, Ҳамза туманида Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан хонадонларда, маҳаллаларда соғлом турмуш, соғлом муҳитни барқарор этиш йўлида ташвиқот-тарғибот ишлари авж олган. Суратда: туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзихон Идрисова фаол аёллар, маҳаллалар маслаҳатчилари билан қилинажак ишлар ҳақида фикрлашмоқда. Суратчи: М. МИРСОДИҚОВ.

"ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ"

Яқинда "Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маърифий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида"ги **НАМУНАВИЙ НИЗОМИ** матбуотда эълон қилинди.

Куни кеча "Энг намунали маслаҳатчи" республика кўрик-танлови ўтказилди. Кўплаб маслаҳатчиларимиз танловнинг мукофотларига ва фахрли ўринларига муносиб кўрилдилар. Шундай маслаҳатчилардан бири - Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Улуғбек қишлоқ фуқаролар йиғини "Навбоғчиён" маҳалласи маслаҳатчиси Сарвара Мавлонова.

- Кўп йил дорилфунунда ишладим, - дейди маслаҳатчи-олима Сарвара Мавлонова. - У ерда ҳам хотин-қизлар сардори эдим. Бугун ўша тажрибалар асқотди, шекилли 1848 нафар хотин-қизнинг ишонган "опа"сига айланганимдан шодман. Маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг, оиланинг руҳиятини ўрганишга, кексалар, болалар, "ётоқлаб" қолган хасталарнинг ҳолидан хабар олишга ҳаракат қиламан. Уларнинг камкўсти, муаммолари доим мени сергаклантириб туради. Имкон борича маҳаллада якка уй тадбиркорлигини ривожлантиришга уринаяпман. Чунки аёлларнинг кўпчилиги уйда новвойлик, каштадўзлик, зардўзлик, пазандалик ишлари билан шуғулланишади. Уларга озгина ёрдам бериб, ишини кенгайтирсак, яна 5-6 нафар аёл иш билан таъминланади. Ниятимиз — маҳалла обод, аҳоли фаровон бўлса бас.

АЁЛ ЎЗИНИ ТАНИДИМИ...

- Уюшмамиз тадбиркор аёлларнинг фаолиятларини ривожлантириш, уларга иқтисодий кўмаклашиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш борасида изланмоқда. Деҳқонобод туманидаги "Гилам тўқиш", Ғузор туманидаги "Кулолчилик", бўйича ўқув марказларида ҳам хотин-қизларга ҳунармандчилик асослари ўқитила бошланди. Қарши туманида эса "Тикувчилик" бўйича ўқув курслари ишлаётгани, ногирон хотин-қизларнинг ҳам ўқишга жалб этилаётгани ютуғимиздир.

Уюшманинг 2 нафар ходими Европа мамлакатларида, 2 тадбиркор Малайзияда, 7 киши АҚШнинг Массачусетс штатида бўлиб ўтган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўрик танловида тажриба алмашиб келишди.

Ҳа, Аёл тақдирига истиқлол катта ўзгариш олиб келди. Аёл ўзини танидими, ҳаракат қилдими, ўша кундан уйига, умрига барака ва бахт кириб келади-да,- дейди Қашқадарё вилояти "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Ойниса Очилова.

Суратчи: ОДИЛ.
Саҳифани САНОБАР тайёрлади.

ЁШЛАР - КЕЛАЖАГИМИЗ!

Мустақиллик шарофати билан юртимизда жуда кўп коллежлар, лицейлар ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги Миллий Университет қошида ҳам С.Раҳимов номли академик лицей очилди ва юзлаб иқтидорли ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Лицейга 27 йиллик муаллималик тажрибаси бор, педагогика фанлари номзоди Насибахон Нарзиқулова раҳбарлик қилаяпти. У шундай дейди:

- Мактабда ишлаб юрган вақтимда ўқишга интилувчан, масъулиятни ҳис қиладиган, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни яхши кўрардим. Дарсдан кейин улар билан соатлаб машғулотлар ўтказардим. Йиллар ўтиб мустақиллик шарофати билан ўқувчиларни табақаларга ажратиб ўқитишлар жорий этилди. Иқтидорли ўқувчилар учун эса академик лицейлар, касбга қизиқувчилар учун эса касб-ҳунар коллежлари жорий этилди.

Бола дастлаб мактабда ўқиётган давридаёқ унинг нимага қобилиятли эканлиги маълум бўлади. Ота-оналарнинг ҳар бири ўз фарзандига яхшироқ эътибор берса, қизиқаётган соҳага йўналтирган тақдирдагина бола ҳаётда тўғри касб эгаллайди. Академик лицейнинг вазифаси бўш ўқиган ўқувчини эмас, балки билимга ташна, ёниб турган, саволга тутавериб муаллимини ҳоли-жонига қўймайдиган, мустақил фикрга эга бўлган авлодни тарбиялашдир. Очиғини айтганда, кейинги пайтларда билими суст, мактабда шунчаки ўқиган ўқувчилар ҳам шу лицейга киришади. Бундай билими саёз ўқувчилар кейинчалик олий ўқув юртларига кира олмайдилар. Ваҳоланки академик лицейларнинг савияси битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари билан ўлчанади. Академик лицей ўз номи билан ҳам, ички мазмун-моҳияти билан ҳам академик лицей бўлиб қолиши керак. Шунинг учун ҳам лицейда қўшимча тайёрлов курслари ташкил этилди.

Бу йил академик лицейимизга тўрт йўналиш бўйича 240 ўқувчи қабул қилинди. Ёшларимиз келажагимиздир, улар келажакда мустақил Ўзбекистонни ўз билимлари, кашфиётлари билан дунёга танитадилар, -дейди қаҳрамонимиз Насибахон Нарзиқулова.

М.МИРСОДИҚОВ

ФИДОИЙЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган "Ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", ва "Маҳалла жонкуяри" кўрик-танловларининг республика босқичлари ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ахборот

"Ибратли маҳалла оқсоқоли" йўналиши бўйича Бухоро шаҳридаги Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳитдин Солиев, "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича Тошкент шаҳри С.Рахимов туманидаги Чиғатой-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов, "Маҳалла жонкуяри" номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Жайҳун маҳалласи фаолий Феруза Холмирзаевалар биринчи ўринни эгалладилар.

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" танлови ғолиблари ҳам тақдирландилар.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Т.Ҳамидов номли маҳалла маслаҳатчиси Санобар Садирова, Андижон вилояти Хўжаобод шаҳри Гулистон маҳалласидан Раъно Мадраҳимова, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри У.Юсупов маҳалласи маслаҳатчиси Ирода Собировалар ғолиб бўлишди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзам Гадойбоев, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Гулнора Маъруповалар йиғилганларни қўлга киритган ютуқлари ҳамда Мустақиллигимизнинг 14- йиллик байрами билан табрикладилар.

Тадбирда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ғолиблар ва фаолларга кўкрак нишонлари ва совғалар ҳам топширилди.

ҲАМИДА

ЭНДИ ЧАККА ЎТМАЙДИ...

«Оила ва жамият»га жавоб келди

Газетамизнинг 28-сонида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 2-даҳа, 19-уй, 23-хонадонда яшайдиган Раъно Бобохонованинг "Ёз ҳам ўтаяпти-ю..." сарлавҳали мақоласини чоп этгандик. Мақола муаллифи яшаётган уйларидан ёғин-сочинли кунларда тинимсиз чакка ўтиб ётиши ҳақида, шунингдек, уйларига қарашли ТЖС "Адолат" ширкатига бир неча бор мурожаат қилгани-ю, аризалари инобатсиз қолаётгани ҳақида шикоят қилганди. Биз ушбу мақолани хат билан бирга тегишли ташкилотларга юборгандик.

Куни кеча таҳририятимизга Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари Қурбоновдан жавоб келди.

Жавобда ёзилишича "Адолат Коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 19 -уйнинг томи жорий таъмирдан чиқарилибди. Хатга аризачи Р.Бобохонованинг уйи томи таъмирланганлиги ҳақида далолатнома ҳам илова қилинган.

Бир юртдошимизнинг муаммоси ижобий ҳал қилинганидан биз жуда хурсандмиз. Ушбу савобли ишга бошқош бўлган инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

БАСИРА

Тарбия соати

Ўғил оила таянчи

Оилада эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Аммо эркаги бор хонадоннинг файзи, мавқеи ўзгача бўлади. Эркаги бор хонадон деганимда, фақатгина бошига дўппи кийиб юрган ёки соқоли бор одамнигина назарда тутаётганим йўқ. Эркак деганда аввало ўша оила учун тоғдек туриб бера оладиган, хонадонини офат-у гирдобларидан ҳимоя қила оладиган, сўзи шиддатли, ўзи ғайратли шахсни тушунаман.

Халқимизда бирор сўзнинг чинлигига далил сифатида "гапнинг ўғил боласи", "эркакмисан, сўзингда тур-да", деган иборалар кўп ишлатилади. Демак, хонадонда эркак суянч бўлиши учун шу оилада бола тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг учун хонадон соҳиби ўзи намуна бўлиши керак. Аввало оила тарихи билан яхши таништириб, оила удумлари, анъаналарини сингдириши керак. Ота ўзи билан бирга ака-укалар, опа-сингилларни бориб кўришда, тоға, амма ва амакилар билан қариндошлик ришталарини боғлашда ўғлини олиб юриши, унга бу ишларнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериб бориши керак. Ўғил бола аввало оиласи, қўни-қўшни ва қариндошлари учун қайғурадиган, қайишадиган бўлиши лозим. Ахир тўйимизда эшикда ҳассакашлик қиладиган, маъракамизда белига белбоғ боғлаб марҳумни сўнгги йўлга кузатадиган шу эркаклар-ку! Бунинг учун зарур бўладиган чўнг ирода, бардош, инсонпарварлик шаклланмоғи керак. Бу осон иш эмас ва бир кунда юзага келмайди ҳам. Бир танишим бор. Қачон эшик тақилласа аёлига: "Чиқиб қара, ким келибди»,-дейди. Агар давлат идораларидан турли тўловлар учун назорат ходимлари келган бўлса: "Мени йўқ денглар, ўзларинг амалланглар", - дея яширинишга уринади. Бу билан у болалари кўз олдида ўз мавқеини бой беради. Ўзига бўлган ишончдан маҳрум бўлади. Ҳозирги кунда унинг фарзандлари ҳеч бир ишда ундан маслаҳат олмай, онаси билан битириб кетаверади. "Менинг ота эканимни унутиб қўйдинглар", - дея хафа бўлиб юрибди.

Ҳолбуки, бунга ўзи айбдор. Эркакча тарбия, ўғил болани тарбиялаш бундай бўлмайди.

Кўп ҳолларда ўғил болалар оталар билан, эркакчасига фикрлашмоқчи, маслаҳатлашмоқчи бўладилар. Биз оталар бунга деярли эътибор бермаймиз. Минг афсус бугунги кунда мактаб муаллимларининг кўпчилигини аёллар ташкил қилади. Ота-оналар мажлисига ҳам оталар деярли боришмайди. Натижада ўғилларимиз оталар забтидан, зукколигидан йироқ воягa етишаяпти.

Ҳали ҳамон бир воқеани эслайман. Битирувчи синфлардан бирига синф раҳбари бўлдим. Синфимда кўпчиликни қизлар ташкил қиларди. Аммо бу синфга параллел бўлган бошқа битирувчи синфда асосан ўғил болалар бўлиб, унга аёл ўқитувчини синф раҳбари этиб тайинлашди. Оз эмас, кўп эмас - 30 та ўғил бола шу кундан бошлаб дарсга кирмай қўйишди. Ҳамма ҳайрон. Орадан 15 кун ўтди. Мен болалар билан гаплашдим. Юрагига йўл топишга уриндим. Шунда уларга мен раҳбар бўлсамгина дарсга киришлигини айтишди. Мен бу синфни ҳам ўз бошқарувимга олдим. Натижа ёмон бўлмади. 30 та шўх, тўпалончи болалар ажойиб йигитларга айланишди. Мактабнинг энг оғир ишларида таянч бўлишиб, топширилган вазифани аъло даражада бажаришарди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлай. Ўғил болалик шўхлик ва сўкиб сўзлаш билангина белгиланмайди. Балки у ёшлигидан онасини, синглисини ҳимоя қилишга ўрганиши билан аниқланади. Шунда бу бола вояга етгандан сўнг аввало аёлини ҳимоя қилади. Бегона аёлларга ҳам ола қарамайди. Оилани таъминлаш учун ғайрат кўрсатиб, аёли, сингиллари нон, туз сўраб қўшниникига бош эгиб чиқишларига йўл қўймайди. Сир эмас, бугунги кунда баъзи бир эркаклар уйда бола боқиб, аёли рўзғор таъминоти билан овора. Бундай фожеанинг юзага келиши шу оила бошлиғи болалигида эркакча тарбия кўрмай, йигитлик ори, ғурури камолга етмаганлигидандир.

Ахир, Ҳадисда ҳам айтадилар-ку: "Эркакларнинг аълоси — ўз аёлига яхши муносабатда бўлгани", - деб. Шундагина бола отасидан аёлни қадрлашни, аёлни ҳимоя қилишни ўрганади. Аёлини қадрлайдиган оилада Ватанни ҳимоя қила оладиган мард, азамат вояга етади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, аёлини қадрлаш, хотини нима деса мушоҳада қилмай, ақл тарозусига солмай бажараверши дегани эмас. Балки аёлини ва бутун оиласини тўғри йўлдан, яхшиликлар сари етаклашдир. Бунинг учун эркак киши керак бўлганда сукут сақлаши, тинглаши, керак бўлганда ўз сўзини айтиши ва лозим бўлса ўз сўзини ўтказиши шарт.

Болалик пайтим. Раҳматлик отам бир қанча газеталардан маълум бир жойини олиб қўйиб, келганимда ўқиб, тушунтириб беришимни сўрардилар. Ҳеч эслай олмайман, бизнинг оилада ғийбатлашилмасди. Унинг ўрнига ҳикматли сўзлар ўрганилиб, мушоҳада қилишдан сабоқ олардим. Энди билсам, ғийбат ҳар қандай эзгуликни емириб, вақтни бўш ўтишига сабаб бўлар экан. Ҳа, азизлар. Баъзида ғийбатлаша бошлаган эркакларни кўрганимда отам берган сабоқлар хотирамда қайта жонланади. Ғийбат авж олган уйда ўғил болалар қиз болага мослашиб, майдалашиб кетади.

Шу ўринда аёлсифат эркак қанчалик хунук бўлса, эркакка ўхшамоқчи бўлган аёл ҳам хунуклигини икки оғиз сўз билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Француз олими Жан Жак Руссо "Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир", деганида ўсмирларимиз ҳақиқий эркак бўлиб камол топишларида аёлларимизнинг тутган ўринлари аниқ кўрсатилган.

Демак, қизларимиз назокатли, иболи бўлиб, йигитларимиз мард, шижоатли, бағрикенг бўлиб тарбияланишларида оилада оталаримиз ўз сўзларини айтишлари керак. Бугунги болакайни қандай тарбиялашимизга қараб, келажакда эр, ота, қайнота, бобо шаклланади. Шундай эмасми, азизлар?

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

Қўнғироқларингиз...

- Сизга бир қўшнимнинг фарзандига муносабати ҳақида гапирмоқчи эдим, - телефон гўшагидан ёши улуғроқ аёлнинг овози эшитилди.

- Марҳамат...

- Менинг бир қизим бор. Бўйи етиб қолган. Қўшнимнинг эса 3 қизи, 2 ўғли бор. Қизларимиз бир-бири билан дугона. Баъзан дугоналар музқаймоқ ейишга, туғилган кунга, театр ёки концертга боришни режалаштириб қолишади. Мен қизимга ишонганим учун хотиржам рухсат бераман. Аммо дугонаси доим онасидан жавоб ололмай, хафа бўлиб юради.

- Нега энди, хулқи "айтарли" эмасми?

- Йўқ-йўқ, жуда ажойиб қиз. Онаси "дам олиш" деган гапни ҳазм қилолмайди, шекилли. Шунинг учун қизлари бирор жойга боришмоқчи бўлишса, ёлғон гапиришади.

- Сиз қаердан билдингиз?

- Анави куни катта қизи иззиллаб йиғлаб чиқибди бизникига. "Нима гап?" десам, яқин дугонасининг туғилган кунига бориб табриклаб, қайтган экан, уйга келгач, онасидан эшитадиганини эшитибди. Ҳатто калтак ҳам "ебди". "Энди ҳеч қачон "туғилган кун" деб айтмайман, бошқа баҳона топаман", - деяпти.

- Сиз онасига тушунтирсангиз бўлмайдими?

- Бир сира чиқиб: "Қизларга бунчалик ишончсизлик билдирманг. Ахир ўзингизнинг тарбиянгизга шубҳа қиласизми?" - дедим.

"Қиз бола эгасига етгунча, тергаб турилмаса, Худо билади, нималарга кўнгли кетади... Қизимнинг "эртаси" менга керак. Бошқалар безовта бўлмасин..." - деб мендан ранжиди.

- Сиз ўзингиз бу масалага қандай қарайсиз?

- Кўпол бўлса ҳам айтай, "боғлоқлик ит овга ярамас" деган гап бор. Қиз бола ҳам одам ахир. Унинг ҳам ўз дунёқараши, қизиқишлари бўлади. Дугоналари билан ўйнагиси, гаплашгиси келади. Ёши тенг одамнинг фикри, интилишлари ҳам бир хил бўлади-да. "Қиз бола", деб уни ҳибсда сақлагандай сақлаш... Онанинг ўзи фарзандини ёлғон гапиришга мажбур қилаяпти-ку! Бу аввал "кичик", кейин "катта ёлғон"га ўтиб кетса нима бўлади? Ундан кўра она қизлари билан дугоналардай, дилдан гаплашса... нотўғри ҳаракатини ўзига тушунтирса... яхши фикрларига рағбат берса... муроди ҳосил бўлмайдими? Қизлар ҳам ўшанда онасидан сир яширмайдиган, "хато-ю тўғри"ни тушуниб яшашга ҳаракат қиладиган бўлишади.

- Агар қизга "эркинлик" "бошқача" таъсир қилсачи?

- Шунинг учун айтаяпман-да, ҳаммаям ўз фарзандини яхши билади. Эркинлик бериб, синаб кўрсин... Натижаси ўзгача бўлса, ўз вақтида тўғри йўлни кўрсатсин-да...

- Фикрларингиз кўпчилик ота-оналарни ҳушёр қилиши табиий. Биз юртдошларимизнинг муносабатлари битилган мактубларини кутамиз.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

АРОСАТ ДАМАН

Хонамга истарали, кўркам ва ёш аёл кириб келди. Саломаликдан сўнг дардларига бир илинж истаб юрагини очди:

- Эримнинг турмуши икки марта ҳам фарзандсизлик туфайли бузилган. Ота-онамнинг қаршилигига қарамай 25 ёшимда севиб, унга турмушга чиқдим. Бахтга қарши 3 йилдан буён фарзандимиз бўлмади. Айб эримда бўлса-да ундан ажралмаслик учун опамни икки ойлик қизалоғини сақлаб олишни режалаштирдик. Опам ҳаётим изига тушиши учун ҳаммасига рози бўлди. Чақалоққа Умидахон деб исм қўйдик. Умида оиламизга қувончбахт олиб кирди. Тез орада эримни иши бўйича Тошкентга кўчиб келдик. Мен эътибор бермаган эканман. Опам бизникига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолгани эримга ёқмади. Эрим бундан ҳадиксираб "Опанг бошқа бизникига келмасин", деб опам билан гаплашмай қўйди. Бу опамга оғир ботди шекилли боласини қайтариб беришимизни ёлворибсўради. Ҳозир Умида 7 ёшда. Қизимизни тақдири бизни ташвишга солаяпти.

- Опангизнинг бошқа фарзандлари йўқмиди?

- Опамнинг бир ўғил, бир қизи бор. Менга Умидани бераётганида икки ойлик эди. Опам барибир қизини қумсаётганини, соғинаётганини ҳар доим уйда сўроқлаб келаётганидан сезардим. Баъзан Умида бетоб бўлиб қолса, опам югуриб келар, эримни эса жаҳли чиқарди.

- Халқимизда ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи деган нақл бежиз айтилмаган. Она ўз боласини барибир қўмсайди-да...

- Опам бахтли яшашим учун қўлидан келган имкониятларини аямади. Лекин Умидага оқ сут бермаган бўлсам-да меҳримни берганман. Жону-жаҳонимни беришга ҳам тайёрман. Эрим ҳам шу қизга овуниб қолган. Худо кўрсатмасин Умидани биздан тортиб олишса, бундай кўргиликларни кўтара олмайман.

- Нега айнан опангизнинг фарзандини олдингиз?

- Эрим болалар уйидан бола сақлаб олиш учун бир йил сарсон-саргардон бўлди. Қолаверса, опам жигарим. Азоб чекаётганимни кўриб юраги эзиларди. Таклифимизни ҳам яхши қабул қилган эди.

- Қизингиз оқ-қорани таниганда ота-онаси бошқа эканлигини билиб қолса...

- Иложи бўлса Умидага буни билдирмасликка ҳаракат қиламан. Лекин бир куни оқ-қорани танисаққанда онаси ким эканлигини барибир айтаман. У бизни тўғри тушунади, албатта. Опам бир куни «қизимни менга қайтар» деб тўполон қўтаради деб ўйламагандим. Кутилмаганда бу таклиф бизни довдиратиб қўйди.

- Қонун барибир онанинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади... Бунга нима дейсиз?

- Опам ўқимишли, тушунган аёл. Муносабатларимиз бу қадар кескинлашмайди деб ўйлайман.

- Юрагингиз нима дейди?

- Опамни тўғри тушунаман. Боласини соғинади. Кўрганда меҳри жўшиб талпинади. Қолаверса, Умидани бу ёруғ дунёга келтирган. Мен эса бутун меҳримни, ҳаётимни унга бағишладим. Қолаверса, икки бахтсиз юракка шамчироқ бўлиб турмушимга нур бахшида этиб турибди. Ўзим ҳам ҳайронман, туққан онами ёки боққан? Менга маслаҳат беринг, яхшилар?

Адиба УМИРОВА

Қулоққа чалинган гап

МУРДАНИ ЎҒИРЛАШДИ...

"Тошкент-Сирдарё" электричкасига ўтириб, Ховосдаги анчадан буён кўришмаган бир қариндошимизни кўриб келгани кетаётгандим. Рўпарамда бошига дўппи кийиб олган, кўзлари қайғули киши ўтирарди. Ёнимга келиб ўтирган киши таниши эканми, иккиси бирданига ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди.

- Нима гап, Самиғали, азадорга ўхшайсанми? - деб сўради, ҳалиги киши унга синчиклаб тикиларкан.

- Э, нимасини айтасиз, шўрим қуриб қолди, Ҳасанбой... - деди у.

- Ўзи нима бўлди, сал тушунтирсанг-чи. Қўлдан келса ёрдамимизни аямаймиз,- деди Ҳасанбой деган киши.

- Сизни кўрмаганимга анча бўлганди-да, хабарингиз йўқ. Хотинимдан айрилиб қолдим. Билардингиз, хотиним бозор-ўчар билан шуғулланарди. Шунинг орқасидан кичикроқ бир дўконча ҳам очиб олгандик. Тиричилигимиз ҳам биноийдек эди. Аммо, хотинимнинг дугоналари Қирғизистонга қатнай бошлагач, у ҳам айниди. Мен юбормадим. У жанжаллашаверіб чарчамади.

Бу орада мен ишлайдиган корхона ҳам ёпилди. Машина ҳайдардим. У ҳам кимларгадир сотилиб кетди. Уйда ўтириш жонимга тегиб, кун бўйи иш излаб юриб жуда чарчадим. Охири шунча пайтдан буён мум тишлаб юрган, мен билан унча очилиб гаплашмайдиган хотиним "ёрилди".

- Дадаси, сиз уйда болаларга қараб ўтирсангиз...Мен Қирғизистонга бориб бироз ишлаб келардим-да, - деди. Очиғини айтганда бу орада рўзғоримиздана барака кетиб, анча қийналиб қолгандик. Кўнишдан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Шундай қилиб кечқурун хотиним билан божамникига бордик. Ундан иш бошлаш учун озгина пул олдик. Индинига эса, хотиним бир дугонаси билан Қирғизистонга кетди. Мен эса уйда болаларимга қараб қолдим. Тўғри, аввалига одамлардан уялиб, хижолот бўлиб юрдим. Бироқ кейинчалик хотинимдан дастлабки пул келгач қувонib кетдим.

Беш-олти марта бориб ишлаб яхши пул олиб келди. Уйларимизни шунга таъмирлаб олдик. Кейин эса ўғилчамизга тўй қилмоқчи эдик. Хотиним яна уч ойга ишга кетди.

У ерда бир ой ишлаб анчагина пулни бир танишидан бериб юборди. Мен хурсанд эдим. Аммо, бу хурсандчилигимиз узоққа бормади. - дея эркак мижжасидаги ёшларини артди. Сўнг:

- Орадан икки ой ўтгач мудҳиш хабар эшитдик. Хотиним яшайдиган ижара уйидан қайтишга тайёрланаётганида уни ўлдиришиб, ёнидаги бор пулини олиб кетишибди. Хабар келганида уйдаги бор пулимни олиб йўлга отландим. Ҳатто, унинг манзилини ҳам сўрамаган эканман. Уч кун деганда топдим. Хотиним шўрлик ўлдирилган жойда ётарди. Айтишларича у билан бирга яшайдиган аёлнинг эри келибди. Хотини эса яқинда келган экан. бечора хотиним унга ёрдам бериш учун ўзи турган ижарахонага олиб келиб, бу аёлларга бошпана берган экан. Бу орада у соддалдик қанча пул жамғарганини ва бориб тўй қилмоқчи эканлигини аёлларга айтиб берибди. Улар эса эркакка айтишган шекилли. Шундан сўнг кечқурун ҳамма уйқуга ётганда учовлон хотинимни бўғиб ўлдиришиб, ўзлари эса аёлимнинг бор пулини олиб қочиб кетишибди. Уларнинг исми-фамилиясини, қайси вилоятдан эканлигини ҳеч ким айтиб бера олмасди.

Уни чегарадан олиб кетмоқчи бўлдим.

Бир рахмдил эр-хотин бор экан. Шулар менга ёрдам беришмоқчи бўлди. Чегарага бориб, олиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги ва бож тўловлари ҳақида суриштирдик. Бу харажатлар жуда қимматлигини эшитиб ҳушим учди.

Менинг ёнимда эса бор йўғи, 10 минг қолганди. Ўша ердаги кишиларнинг маслаҳати билан уни яширин ҳолда олиб ўтишга қарор қилдим. Бир аёл савоб учун каттагина гиламини берди. Хотинимнинг жасадини гиламга ўраб, икки четидан боғладик. Кейин мени яширин йўллар билан кузатиб юборишди. Айланма, баланд-паст йўллардан хотиним ўралган гиламни кўтариб юриб, бунинг устига туз ҳам тотмай жуда толиқдим.

Бир амаллаб юртимизга ҳам етдим. Бир неча километр кимсасиз катта йўлдан келаётиб, елкамдаги жасад билан йиқилиб тушдим. Уни четга судраб олиб чиқиб, ёнига ётибман-у қотиб ухлаб қолибман.

Неча соат ухлаганимни билмайман. Кўзимни очсам кеч тушибди. Қарасам... Ёнимдаги гилам йўқ. Номардлар гилам билан мурдани ҳам ўғирлаб кетишибди. Гиламни олиб, жасадни шу ўртага ташлаб кетишгандир, деб роса изладим. Эртасига ҳам қолиб кетдим. Охири умидимни узиб уйга қайтдим.

- Уйдагиларингиз жасадни сўрашгандир, сиз нима дедингиз?

- Э, сўраманг, биродар. Бошимга ит куни тушди. Тўрт нафар болаларим бор, улар онамизни топиб беринг, деб йиғлашади. Аввалига уни топа олмадим, дедим. Кейин хотинимнинг қариндош уруғларида шубҳа пайдо бўлди.

- Бизни ўша жойга олиб борасан. Одамлардан ўзимиз суриштириб топамиз. Бутун бошли одам йўқ бўлиб кетаверадими? Бу ерда бир гап бўлса керак, - дея йўлга отлана бошлашди. Охири йиғлаб-сиқтаб уларга бўлган воқеани айтиб бердим. Ниҳоят уларни ўша ўзим ғафлат босиб ухлаб қолган жойимга бошлаб бордим. Атрофтеваракдаги қишлоқларни суриштирдик, лекин топа олмадик. Хотинимнинг қариндошлари охири, мени тўғри тушунишди. Болаларим эса... Уларни юпата олмаяпман. Бечораларга оналарининг совуқ дийдорини кўриш ҳам насиб этмади...

- Энди эса биродар, бир умрга армон ва ўкинч билан ўтсам керак. Агар ухлаб қолмаганимда балки бу фожиа устига яна бир фожиа юз бермасмиди? Энди дардим ичимда. Болаларимни яхши инсонлар қилиб ўстирсам, балки, бекафан, бекабр кетган хотинимнинг руҳи мендан рози бўлар.

Бу орада электричка манзилга етиб келганди. Мен юкларимни олиб пастга тушаётганимда, ҳалиги киши ҳам тушди. Пастда эса уни тўрт нафар мунгли болалари кутиб туришарди. Эркак келиб уларни бағрига босаркан, кўзларидан дувиллаб ёш оқарди.

ГУЛБАШАКАР

РАШК ЁНДИРАДИ ИНСОН ҚАЛБИНИ

Лайло, дил изҳорингизни ўқиб, ақлли, фаросатли аёл эканлигингизни англадим. Бу дунё бир кам дунё. Ҳамиша ҳам инсон истагандай бўлмайди. Ҳаёт курашлардан иборат.

Сиз дил изҳорингизда ўзингиз савол бериб, ўзингиз жавоб бергансиз. Мен сизни бахтли аёл деб ҳисоблайман, Худойим берган фарзандларингиз — ўғил ва қизингиз бор. Бу бахт эмасми? Турмуш ўртоғингиз ҳам ажойиб инсон экан. Уни сиз дилингиздан улуғлайсиз, ҳурмат қиласиз. Нега энди рашк қилиб, доим у билан жанжал қиласиз? У хиёнат қилиб хато қилган экан, сиз мардлик кўрсатиб тўғри қилгансиз. Жанжал қилаверсангиз, ўзингизга касал орттирасиз. Эрингизни эса ўзингиздан бездирасиз. "Оила ва жамият" газетасини доим ўқир экансиз, фарзандсизликдан ажраб кетган оилалар, ҳаётда ўз севгилисига эриша олмай, диллари вайрон бўлган инсонлар ҳақида кўп ёзишади. Сиз шуларни ўқиб, шукур қилишингиз керак.

Ҳурматли Лайло! Сиз кўнглингиздаги гумонларни чиқариб ташланг!

* * *

Синглим Лайло! Сизнинг мақолангизни ўқиб чиқиб ҳайрон бўлдим. Наҳотки, бир оиланинг бекаси, икки боланинг онаси бўла туриб шунчалик калта ўйласангиз?

Ахир оила муқаддас қўрғон-ку! Бу муқаддас қўрғонни асраб-авайлаш биринчи навбатда аёлга боғлиқ-ку!

Эрингиз-ку, бир марта хиёнат қилиб охири уни сизга айтиб ҳам берибди. Бироқ, сизни ва болаларингизни ташлаб кетмаганига шукр қилсангиз бўлмайдими? Икки фарзандингизни тирик етим қилиб ташлаб кетса, ёлғизликдан эзилиб тамом бўлардингиз.

Эрингиз хиёнат қилганини бўйнига олиб, кечирим сўраб сиз билан яшаяптими, бундан буёғига унинг хиёнат қилишига йўл қўйманг. Оллохдан эрингизга инсоф, ўзингизга эса сабр тиланг. Рашкнинг илони юрагингизни чирмаб олибди. Ҳатто, бировни ўлдиришу уйига ўт қўйишга ундайдиган қилиб ҳам қўйибди. Сиз бу бемаъни гапларни ўйлашдан олдин, фарзандларингизу ота-онангизни, қариндошларингизни ўйлашингиз керак. Ахир сизнинг бу қилиғингиздан кейин улар қандай бош кўтариб юришади?

Мен яқинда газетада таниқли арман киноактёри, комик Фрунзик Мкртчяннинг аянчли тақдири ҳақидаги мақолани ўқиб шўрлик актёрга жуда ачиндим. Ҳамма севган, машҳур актёрнинг ҳаёти хотини Данаранинг адоғи йўқ рашкларидан туфайли азобга айланади. Азбароби хаёлига фақат эрининг маъшуқалари ҳақидаги фикрлар келаверганидан Данара охир-оқибатда савдойи бўлиб ва умрини руҳий касаллар шифохонасида ўтказади. Мен бу гапларни сизга нима учун айтаётганимни тушунгандирсиз, Лайлохон! Шундай кунга тушиб қолманг, дейман-да, синглим. Эрингиз бир адашибди-да, сизга шу гуноҳини айтмаганида билмасдан, ялоб юраверган бўлар эдингиз.

Сизга маслаҳатим шуки, бўлиб ўтган ишларни унутинг. Тонгда туриб яхши ниятлар билан ишга отланинг. Оқшом уйингизга келиб эрингиз севган таомларни пиширинг-да, уни яхши кайфият билан кутиб олинг.

«Эр—ярим пир» дейишган. Унга кўпроқ эътибор, меҳр ва муҳаббат беринги, оиласидан топган ҳузур-ҳаловатини бошқа жойдан топа олмасин. Ана шундагина унинг сизга меҳри ортиб бораверади.

Тўғри, муҳаббат бор жойда рашк бўлади. У туздек севгингизга таъм бериб туради. Тузнинг кўпи таомни шўр қилиб юборганидек, рашкнинг кўпи оилангизни хонавайрон қилиб юборади. Бир маротаба хиёнат қилган эрингизни кечиришингиз керак. Агар у сизга жаҳл қилиб яна хиёнат кўчасига кирса, унда уни орқага қайтариб бўлмайди ва эрингиздан бутунлай айриласиз. Инсон кечиримли бўлиши керак, эрингизга ишониб яшанг. Ортиқча рашк қилиб ширин муҳаббат билан қурилган оилангизни барбод қилиб қўйманг.

Менинг бу гапларим сизга балки аччиқроқ ботар, аммо, бир аёл сифатида оилангиз бузилмаслигини истайман. Оллоҳ сизга инсоф берсин.

Авезжон БЕКМУРАТОВА

Ишга ҳам кирибсиз, даромадингиз ҳам тузуккина экан. Лекин, "Мени на ўйин-кулгу, на пул чалғита олмаяпти", - деб ёзибсиз. "Эримни бегона аёл билан илиқ гаплашаётганларини кўрганимда, менинг аҳволимни кўрсангиз эди. Шунда мен нима қилишга ҳам тайёр бўлиб қоламан. Фақат гуноҳдан қўрқаман. Агар фарзандларни етим қилиб ажраш гуноҳ бўлмаганда, ажралардим, қасддан одам ўлдириш гуноҳ бўлмаганида эди, ўлдирардим, уйига ўт қўярдим. Фақат гуноҳ билан савобгина инсонни шайтондан ажратиб тураркан. Мен нима қилай", -деб ёзибсиз.

Лайло, бу ёмон фикрлардан узоқлашинг! Дунёқарашингизни бутунлай ўзгартиринг! Дилингизга меҳр-шафқатлар келсин! Дунёда она учун энг яқин бўлган, ҳаётининг гули бўлган ўғил-қизингизнинг келгусини ўйланг! Инсон бошига қайғу-алам ўйлари ёғилганда, китоб билан дўстлашса мушкули осон бўлади. Чунки, менинг ҳаёт тажрибам шундай.

Мен бунга аминман. Сиз Ге Де Моапассаннинг "Ҳаёт" ("Жизнь") китобини ўқинг! Анча сабоқ оласиз. Мен бу китобни уч марта ўқиб чиққанман.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри.

"Юрагимдаги доғ" - 29-сон

ЭСЛАТМА: Икки фарзаднинг онасиман. Хўжайиним билмай менга бир маротаба хиёнат қилганларига иқрор эдилар. Шу-шу гумон, рашк, алам хаёлимни эгаллаган. Агар эримни севмасам, биргина қалтис хатоси учун шунча қийнармидим, қийналармидим?

Муаллиф: ЛАЙЛО.

ҚЎШ ХОТИНЛИЛИКНИНГ ҚУЛОҒИ ТИНМАС



"Тақдирим чигал келди" - 31-сон

ЭСЛАТМА: Қайнонамнинг зулми туфайли хотиним, фарзандимдан ажраб қолдим. Хотинимнинг онаси эса уни икки марта эрга берибди. Хотиним билан бир-биримизнинг висолимизга етишолмай аросатдамиз...

Муаллиф: САНОБАР.

Рустамжоннинг бошидан кечирган чигал саргузаштларини ўқиб, унинг ҳолига жуда ачиндим. Наҳотки, у "ёмғирдан қутилиб, қорга тутилса", - дедим.

Менимча, Рустамжоннинг севгилиси бадавлат, пулдор, каттазанг хонадоннинг қизи бўлиб, унинг онаси ҳа деса қизини ўз ҳолига қўймай ҳаётини алғов-далғов қилиб юборибди, бир эмас уч маротаба эрга берибди-я!

Бу онанинг дастидан бечора Рустамжон ноилож қолиб, ўзини осмоқчи ҳам бўлибди. Мен унинг бу ишини қоралайман. Наҳотки у инсоннинг ўз жонига қасд қилиши имонсиз кетиши эканига тушунмаса. Н.Островскийнинг: "Яшаш ҳар қанча қийин бўлганда ҳам, яшай билгин!" деган гапини Рустамжондек йигитлар ўзларига шиор қилиб олсинлар! Ҳаётдан ўлим орқали қутулишга жазм қилиш - қўрқоқлик ва нодонлик белгиси.

Аксадо

* * *

Ушбу мақолани ўқиб, Рустамжоннинг тақдирига ўхшаш бир ҳодиса ёдимга тушди.

Аслида ҳаётда инсон тақдиридан тинсин. Агар инсонни тақдири чигал келса бу бахтсизликдир. Кўпинча, бу тақдиримда бор экан, шуни кўраяпман деб ўз тақдирига бефарқ ҳам бўладилар.

1980-йилларнинг бошида бир бола армия сафида хизматда бўлиб, Рига шаҳрида офицерлар ресторанида официант бўлиб ишлаётган бир рус миллатига мансуб фоҳиша аёл билан танишиб, уни ўзи билан олиб келади. Ўғлини келин билан соғ ва саломат келганини кўрган ота-она, элу хешлари яхши кутиб олдилар. Ўша кеча яхшигина меҳмондорчилик қилиб анча ичкилик ҳам бўлади. Сўнг келин-куёв ўйларига кириб тунайдилар. Эрталаб йигит онасига "она, келинингизга бир пиёла ароқ керак", деса бўладими? Она буни ҳеч ҳам кутмаганди. Ноилож, бир пиёла ароқ сузиб келинига беради. Бу ҳолни чолига айтади. Келин эса эридан сўрайди: "Бу ерда ресторан узоқми, "танца площадка"си қандай?" Бу сўзларни йигитнинг отаси эшитиб, жаҳли чиқиб: "Ҳозироқ бундай келинни жўнатиб қўй, менга бунақа ароқхўр, артист-тансачи келин керак эмас", - деб ўғлидан талаб қилади. Келин бир ҳафта юргач, барибир чиқариб, жўнатиб юборадилар. Чунки келин келганидан бери ичмаган куни бўлмайди.

Йигитнинг ўқиши чала эди. У ўқишини давом эттиришга кетиб, яна бир қиз билан танишди. Ота-онаси шу қизга уйлантирди. Қизнинг ота-онаси ҳам яхши кишилар эди. Бу келиндан йигитнинг ота-онаси рози бўлади. Йигит ўқишни тугатгач, йўлланма билан қўшни вилоятга ишга кетди. Йигитнинг хулқини билган отаси: "Хотинингни ўзинг билан олиб бор", - деб эру хотин бирга яшашларини талаб қилди. Улар кўчиб кетди. Икки болали ҳам бўлди, лекин ароққа берилган йигит бир куни хотинини қолдириб, ўзга бир рус аёл билан яшай бошлайди. Уни бу йўлдан ота-онаси ҳам қайтара олмадилар. Хотини ҳам бир ўғил туғгандан сўнг йигит уни ҳам ташлаб бошқа бир аёл билан яшай бошлади. Шундай қилиб, икки хотиндан икки ўғил, бир қизни тирик етим қилиб, бир неча марта уйланди.

Ўша йигит ота-онасининг насиҳатларига қулоқ солмай, ичкиликка берилиб, ишдан қувилиб, сарсон-саргардон бўлиб, қаерларда мусофирчиликда кун кечириб, ота-онасига хабар ҳам бермай итдек яшаб юрибди.

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
9.10 Приключенческий сериал «Агент национальной безопасности»
10.20 Разведка. Версия для кино. «Мертвый сезон»
11.00 Новости
11.10 Премьера. «Новый русский романс». Многосерийный фильм
12.20 Дисней-клуб: «Ведьма»
13.00 Человек и закон» с Алексеем Пимановым
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
17.40 «Убойная сила». Многосерийный фильм
18.50 Поле чудес
20.00 Время
20.25 Голливудский блокбастер «Мумия возвращается»
22.50 «Золотой граммофон»
23.50 Комедийный боевик «Ниндзя из Беверли Хиллз»
1.30 Мэрилин Монро в фильме «Ниагара»
3.10 Сериал «Матрица: угроза»

4:00 «Доброе утро, Россия!»
7:45 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-1».
8:45 «Живое слово Александра Меня».
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Мусульмане».
11:00 «Вся Россия».
11:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11:45 «Комната смеха».
12:45 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:30 «Суд идет».
14:30 Юрий Степанов, Егор Бероев и Дина Корзун в телесериале «Гражданин начальник».
15:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Степан Старчиков, Ирина Сенотова, Надежда Бахтина и Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:45 Валентина Талызина, Амалия Гольданская, Алексей Булдаков, Эммануил Виторган, Валентин Смирнитский и Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 «Юрмалина - 2005». Международный фестиваль юмористических программ.
21:50 Гоша Куценко, Евгений Сидихин, Иван Бортник, Елена Шевченко и Андрей Панин в фильме «Мама, не горюй!». 1997г.
23:40 Антонио Бандерас и Эмма Томпсон в фильме «Мечтая об Аргентине» (Испания-Великобритания-США). 2003г.
1:55 «Дорожный патруль».
2:10 «Закон и порядок»
3:05 «Ангелы Чарли». Телесериал (США).
3:50 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ШАНБА 10

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Австралиянинг ёввойи табиати". Ҳужжатли телесериал.
"Болалар сайёраси":
9.50 1. "Олтин тож".
2. "Рокки ва унинг дўстлари". Мультсериал.
10.45 "Оналар мактаби".
11.10 "Омон бўлинг!"
11.15 "Уста Ҳасан". Телесериал.
12.05 "Ҳидоят сари".
12.25 "Дўстлик" тележурнали: 1. "Чинсэн". 2. "Бизнес мирас".
12.55 "Эгизаклар". Телесериал.
13.50 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 Ахборот.
14.20 "Аския".
14.45 "Спорт янгиликлари".
15.00 Ахборот (инглиз тилида)
15.15 "Экран ҳандаси".
15.40 "Икки дарё оралиғида". Видеофильм. 5-қисм.
16.00 "Дўст кулфатда билинар". Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси":
17.15 1. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
2. "Тайёрланмаган дарслар мамлакати". Мультфильм.
17.55 "Тамаддун".
18.15 "Ёшлик наволари".
18.30 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
18.55 "Икки дарё оралиғида". Видеофильм. 6-қисм.
19.15 "Ўзлото". Телелотерея.
19.25, 19.55, , 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "Меҳр кўзда".
20.55 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Қизлар давраси". 1-қисм.
22.25 "Киноафиша".
22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.55 "Амадеус". Бадиий фильм. 1-қисм.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 "Мунаввар тонг".
8.30 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.00 Давр.
9.15 "Эсмеральда". Телесериал.
9.45 Табобат оламида.
10.10 Ватанпарвар.
11.10 "Анпанман". Мультсериал.
11.35 Давр мавзуси.
11.50 "Маҳобҳорат". Телесериал.
12.35 Менимча.
12.40 "Умр дафтари". 3-қисм.
12.55 "Кино SMS" танлови.
13.00 Давр.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Тўфон Миноллин. "Дилафрўзга тўрт ошиқ". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 "Дилафрўзга тўрт ошиқ" спектаклининг давоми.
16.50 "Кино SMS» танлови.
17.05 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати.
17.25 "Мульттомоша".
17.40 Бола тилидан.
18.10 Ёнингдаги бахт.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Менимча.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.35 «Маҳобҳорат».
20.20 Сарвара Одилхўжаева қуйлайди.
20.40 Кутилмаган меҳмон.
21.10 Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгуч.
23.00 «Кино SMS» танлови.
23.05 «Муҳаббат синовлари-2". Бадиий фильм.

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Болажонлари экрани.
17.40 CFI такДим этади. "Келажак шаманлари". 1-қисм.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
18.50 "Шунақа гаплар". Ҳажвий кўрсатув.
19.10 "Экспресс" телегазетаси.
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Биргаликда куйлаймиз".
21.20 "Экспресс" телегазетаси.
21.40 "Ёшлар даврасида".
22.00 Кинонигоҳ "Парама". 1-2-сериялар".

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Три окна". А. Макаревич.
9.50 Документальнўй фильм. "Гайдай. Комедии семейной жизни".
11.00-12.00 Теннис. Осиё чемпионати.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар".
17.20 "Болалар спорти".
17.40 "Спорт – менинг ҳаётим".
17.55 Теннис. Осиё чемпионати.
18.55 "Смехопанорама".
20.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
20.30 "Стать ближе".
21.10 "Нокаут".
21.40 Жаҳон спорти: "Евротфутбол".
23.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.00 – Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: **«Удивительные приключения Дениса Кораблёва»**, 1 серия
11.10 – «Ошикона» мусиқий дастури
11.55 – **Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса**
12.40 – **«Стой, а то мама будет стрелять»**, комедия
14.30 - **«Болалар соати»**
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ «Мультфильм»
17.35 – НТТ – **«Еттинчи жин» бадий фильм**
19.00 – «Ошикона» мусиқий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 – «Севгининг баҳоси йўқ» бадий фильм, 1 серия (Индия)
22.30 - НТТ Анонс
22.35 – НТТ «Севгининг баҳоси йўқ» бадий фильм 2 серия.

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.40 Надежда Румянцева в фильме «Морской охотник»
7.00 Играй, гармонь любимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дисней-клуб: «Кряк-бригада» , «С добрым утром, Микки!»
9.00 Новости
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 «Гайдай. Комедии семейной жизни». Документальный фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 История с географией. «Атака на Пентагон»
13.00 Евгений Сидихин в остросюжетном фильме «Между жизнью и смертью»
15.00 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Шинник». Прямой эфир
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Ералаш». 30 лет. Праздничная программа.
19.00 Премьера. «Лариса Долина. Портрет без ретуши»
20.00 Время
20.20 Премьера. Фестиваль юмора «Умора-2005»
22.10 Премьера. Фильм Чжана Имоу «Дом летающих кинжалов» (2004 год)
0.20 Триллер «Анатомия»
2.10 Остросюжетный фильм «Честь и ярость»
3.50 Сериал «Матрица: угроза»

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:15 ПРЕМЬЕРА. «Взлеты и падения Мариса Лиепы».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Николай Мерзликин и Раиса Рязанова в детективе Станислава Говорухина «Контрабанда». 1986г.
15:00 «Портреты эпохи. Борис Покровский».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 «Комната смеха».
17:55 ПРЕМЬЕРА. «Секрет успеха».
18:50 «В Городке».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 ПРЕМЬЕРА. «Цыпленок жареный». Фильм Николая Сванидзе.
19:50 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
20:20 «Субботний вечер».
22:10 Арнольд Шварценеггер в комедии «Детсадовский полицейский» (США). 1990г.
0:20 Хизер Грэм и Джозеф Файнс в триллере «Убей меня нежно» (Великобритания-США).
2:25 «Горячая десятка».
3:20 НОЧНОЙ СЕАНС. «Мастер боевых искусств. Жизнь Брюса Ли» (США). 1995г.
4:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Камалак" экрани:
9.35 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.15 "Дўстлик" тележурнали: "Ҳамкорлик ришталари".
11.30 "Интеллектуал ринг".
12.15 "Киноафиша".
12.35 "Кутилмаган меҳмон". Бадиий фильм.
13.50 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Оддий ҳақиқатлар".
14.35 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
15.35 "Икки дарё оралиғида". Видеофильм. 6-қисм.
16.00 "Меҳр кўзда".
"Болалар сайёраси" :
16.50 "Олтин тож".
17.25 ТВ анонс.
17.30 "Одами эрсанг..."
17.50 "Ёшлик наволари".
18.00 ТВ анонс.
18.05 "Жиддий ўйин".
18.50 "Ҳангома".
19.25, 20.00, , 21.40 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.10 "Оҳанрабо".
20.55 "Минг бир ривот".
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 ТВ анонс.
21.50 "Қизлар давраси". 2-қисм.
22.35 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.45 "Амадеус". Бадиий фильм. 2-қисм.
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 "Мунаввар тонг".
8.30 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 13.20, 19.30 ТВ - анонс.
9.15 Кулгуч.
9.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
10.15 Саломатлик сирлари.
10.35 Орзулар қанотида.
11.05 Ёшлик наволари.
11.15 Менимча.
11.20 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
11.40 «Кино SMS» танлови.
11.45 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.30 «Қилни қирқ ёриб". Интеллектуал ўйин.
13.25 Кинотақдим.
13.45 «Ишбилармон кишилар". Бадиий фильм.
15.05 Ринг қироллари.
15.55 Чемпион сирлари.
16.15 Болалар экрани: «Еттинчи жин".
17.15 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.45 "Мульттомоша".
18.00 Спорт маликаси.
18.10 Менимча.
18.15 «Қадимги мавжудотлар". Илмий-оммабоп фильм. 1-қисм.
18.45 Сув - ҳаёт манбаи.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 «Кино SMS» танлови.
19.40 «Маҳобҳорат».
20.25 Ҳангома.
20.45 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари қуйлайди.
21.05 «Кино SMS» танлови.
21.10, 21.50 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат ва эҳтирос". Телесериал.
21.55 Мумтоз наволар.
22.00 Спорт антологияси.
22.05 «Кино SMS» танлови якуни Бадиий фильм.

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
18.55 "Экспресс" телегазетаси.
19.15 "Миттивойлар мактаби".
19.35 "Ўзбеккино" миллий агентлиги тақдим этади: "Бу дунё. яхшилик экинзоридир.."
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.50 "ТВ плюс".
21.20 "Экспресс" телегазетаси.
21.40 "Нима учун?"
22.20 "Туризм ҳақида".
22.50 Кинонигоҳ "Нокдаун".



7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.20 "Қувноқ стартлар".
11.00 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.15-12.15 Жаҳон спорти: "Снукер".
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Талқин". Информационно-таҳлилий кўрсатув.
17.30 "Спорт - менинг ҳаётим".
17.45 "Кучли бешлик".
18.25 "Потерпевшие с "Лигурии". Художественный фильм.
19.35 "Тайм-аут".
20.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
20.30 "Мусиқий дастур".
21.00 "Проф-РИНГ".
21.50 Жаҳон спорти: "Евротфутбол".
23.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – **«Детский час»**
9.40 – Документальный фильм
10.15 – «Юлдузлар табриги» мусиқий дастури
11.00 – «Телехамкор».
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 - **Фильм детям «Удивительные приключения Дениса Кораблёва»**, 2 серия
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 – **«Болалар соати»**
15.30 – «Спорт - экстрим»
16.00 – «Детский час», мультсериал
16.45 – «Телехамкор».
17.05 – НТТ – «Мультфильм»
17.25 – НТТ – Анонсы
17.30 – «Хайвонот оламида»
18.00 – НТТ- «Концерт»
18.30 – НТТ - «Сайёралар» Хужжатли фильм 3-кисм
19.00 «Телехамкор» .
19.15 – «Ошикона».
20.00 – «Мультфильмы»
20.20 – «Мусиқий табассум»
21.00 – НТТ «Ы операцияси» кинокомедия

5.00 Новости
5.20 Остросюжетный фильм «Атака»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Охота на «Близнецов»
13.10 Елена Сафонова, Сергей Жигунов в мелодраме «Принцесса на бобах»
15.20 Лев Лещенко, Филипп Киркоров, Клара Новикова в творческом вечере композитора Александра Морозова
16.50 Международный фестиваль юмора в Ялте
18.20 Премьера. «Остаться в живых». Фильм 10-й
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Большая премьера. Мистический триллер «Звонок» (2002 год)
22.50 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Эрик Моралес - Мэни Пакиао
23.50 Суперчеловек. «Лабиринты мозга». Фильм 3-й
0.50 Сигурни Уивер в фильме «Парни»
2.20 Остросюжетный фильм «Честь и ярость - 2»
4.10 Неизвестная планета. «Три лица Каталонии»

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 Дэвид Суше в детективе «Пуаро Агаты Кристи. Пять поросят» (Великобритания). 2004г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:15 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль №54». Сатирический тележурнал.
14:10 Мелодрама «Если бы...».
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Мелодрама «Если бы...». Продолжение.
17:10 ПРЕМЬЕРА. Фестиваль юмора в Ялте.
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Никита Высоцкий, Дмитрий Дюжев, Михаил Ефремов и Евгений Стеблов в комедии «Слушатель». 2004г.
22:25 Самюэль Ле Бьян, Венсан Кассель, Моника Беллуччи и Марк Дакаскос в триллере «Братство волка» (Франция - Канада). 2001г.
1:10 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Бельгии. Трансляция из Спа.
2:15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Детектив «Прочная сеть-2» (США).
3:05 Канал «Евроньюс» на русском языке.

"ОҚ"НИНГ ГУНОҲИ ОҒИР

Ажойиб-гаройиб

Буни мен ўз бошимдан ўтказганман. У пайтларда 13-14 ёшлардаги шаддод қизалоқ эдим,- дея ҳикоясини бошлади қўшни жувон. - Чўлга янги кўчиб борган пайтимиз. Уйларни ажратиб турадиган пастгина тахта панжараларни айтмаса ҳамма қўшниларнинг ҳовлилари бирлашиб кетган. Одамларнинг дайдироқ мол-холи, парранда-даррандалари баъзан бир-бирларинигига ўтиб кетишарди. Бизнинг ҳам анчагина куркаларимиз бўлиб, улар ҳовлида эмин-эркин юрганлари учун ўзларига қулай жойни топиб тухум қўйишарди. Биз болалар уларни йиғиб олардик. Анча вақт куркаларимизнинг тухумини тополмай юрдим. Бир куни уларни эринмай пойладим ва қўшнимизнинг бир четга уюб қўйилган хашагининг қаеригадир биттасининг кириб кетганини кўриб қолдим. Қўшни аёлни чақириб воқеани тушунтирдим. У хашагини нари-бери кўрди-да яширинган ўтган куркани жойидан чиқариб юборди. Хашакнинг орасига қарасак 15-20 тача тухум бор экан. Қўшни аёл товоқча олиб келди-да унга ҳамма тухумларни солиб уйига олиб кета бошлади.

— Вой, Тўтихон опа бу бизники-ку, бермайсизми? – дедим мен унга.

— Йўқ, бу менинг хашагимдан топилдими, меники бўлади,-деди бепарво.

У десам ҳам, бу десам ҳам барибир тухимларни бермади. Менга роса алам қилди. У аёлнинг икки қатлигини тасодифан эшитиб қолганим эсимга тушди-ю, ўйламай нетмай, болалигимга бориб:

— Майли,шу тухумларни енг-да, бола эмас тухум туғинг-деб қарғадим.

Воқеадан хабардор бўлган онам мени роса койидилар. Шу кундан бошлаб куркаларни қамаб қўйдик. Шу билан ҳаммаси унутилиб кетди. Ўша пайтда аёлнинг хомиласи 2-3 ойликлар чамаси бўлган, аммо орадан 4-5 ой ўтса ҳам унинг кўринишида заррача ўзгариш бўлмасди. Буни оналаримизнинг шивир-шивиридан эшитиб қолардим. Чамамда у чоғларда тенгдошларим ҳам шундай гапларни эшитиб ширувдан ўтиб туриш урф бўлмаган шекилли. Бир куни тўпланиб турган аёллардан бири ёқасини чангаллаганча гап бошлади.

— Вой, тавба қилдим, эшитдингларми Тўтихоннинг мазаси бўлмай, ўзини тек-ширтирса ичидаги боласи 2-3 ойлик бўйича ўлиб, жойида қотиб қолибди. Уни операция қилиб хомиласини олиб ташлашибди. Кўрсангиз, худди тухумнинг ўзи эмиш.

Бу гапни тасодифан эшитдим-у, юрагим орқамга тортиб, кўрқиб кетдим. Ўша ахмоқона қарғишим ёдимга тушиб, эсимни йўқатаёзган эдим. Бу воқеа тасодифмиди ёки бир синоати бормиди, бу яратганга аён. Аммо "оқ"нинг гуноҳи оғирлиги рост гап.

Насиба РИЗАЕВА.

Aziz bolajonlar! *Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

ORZUSI USHALGAN QIZ

Qadim o'tgan zamonda o'rmonzor yaqinidagi chekka bir qishloqda, bir qizcha buvisi va bobosi bilan birgalikda yashar ekan. Qizcha parranda va hayvonlarni juda sevar ekan. Uning Paxmoqvoy ismli oppoq mushugi, Baroqvoy ismli iti, G'a-g'avoy ismli o'rdagi, Chip-chipxon ismli jo'jasi, Qo'ng'irvoy ismli qo'zichog'i bor ekan. Lekin qizcha quyonchasi ham bo'lishini orzu qilar ekan.

Kunlardan bir kuni qo'zichog'i Qo'ng'irvoyga o't olib eklish uchun o'rmonga boribdi. O'rmondan o't terib yurib adashib qolibdi. Shu payt oldiga qo'rquvdan dir - dir titrayotgan quyoncha chiqib qolibdi. Qizcha uni darrov ko'tarib erkalabdi. Nega yig'layotganini so'rabdi. Quyoncha ochko'z bo'ridan qo'rqib bu erlarga kelib qolganini uyi esa juda qolganini aytibdi. Qizcha quyonchani etaklab kechgacha so'qmoq yo'l axtaribdi. Lekin baxtga qarshi yo'l topisholmabdi. Bundan xavotir olgan bobosi kelib qolibdi. Qizcha bobosini ko'rib xursand bo'lganidan unga bo'lgan voqeani gapirib beribdi.

Kechgi ovqat paytida hammalari birgalikda quyonchaga Momiqvoy deb ism berishibdi. Shunday qilib qizchaning orzusi ushalibdi.

Muharram HAKIMOVA,
Buxoro viloyati, Romiton tumani 2 – o'rta maktabning 4 "A" sinf o'quvchisi.





Hamid BOBOJONOV,
Urganch shahri 1 – maktabning 5 "B" sinf o'quvchisi.



Muzaffar ABDULLAYEV,
Toshkent viloyati, Zangiota tumani 14 – maktabning 8 - sinf o'quvchisi.

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

(Боши ўтган сонларда)

Бошингизга қайғу тушганида атрофингизга қараб, ўзингизни босинг. Сизга қараганда қисмати оғирроқ кишилар ҳам бор. Ёки қайси бирингиз ўзингиздан бойроқ ёки кўркамроқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва хунукроқ одамлар ҳам борлигини эслаб, шу кунингизга, шу ҳолатингизга шукрлар қилинг. Албатта, инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб, ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ҳар куни тонгдан эзгу ниятларни дилга тутмоқ, беҳисоб шукроналар билан дастурхон ёзмоқ, саодатга интилмоқ, ҳалол бахт-саодатни орзу қилмоқ табиий эҳтиёж бўлгани каби оиламиздаги, қариндош-уруғлар орасидаги, маҳалламиздаги, ишхонамиздаги кексаларнинг хушнуд дуоларини олмоқ, унга сазовор бўлмоқликка интилмоқ ҳар кунги маънавий эҳтиёжингиз бўлиб қолсин. Худонинг берган яхши кунига шукр, ёмон кунига эса сабр қилинглар.

Бугун ярим оч, ярим тўқ бўлиб қолиш - эртага номардга муҳтож бўлишдан яхшироқдир. Бировнинг ҳовлисидаги атиргулдан, томингиз устида ўсган қизғалдоқнинг меҳрига не етсин. Тирикмисиз, ҳали ҳеч нарса йўқотмагансиз, шунинг ўзига беҳисоб шукр.

Сиз қандай дарду-алам ичида қолманг, унга на яқинларингиз, на бегоналар, на беозор табиат, ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг алоқаси йўқ. Ғамингизга уларни рўкач қилиб, ношукрлансангиз, адашасиз. Уларни аввало ўз амалларингизга, ёинки қачонлардир ота-онамизнинг ножўя хатти-ҳаракатларига жавобан синовдек қабул қилинг. Аслида бу синовлар орқали ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатингиз янада кучаймоғи лозим. Буни уддалаш оғир, аммо эплаганларнинг ҳаммаси ютган. Муҳаббатни офтоб, дарду-ғамни эса ўткинчи ёмғир билинг. Баъзилар диллари озор кўрган одамларга нисбатан меҳр беролмасликларини айтадилар. Кибр, манманлик кучли бўлса, меҳрга йўл бермайди. Ундайлар ҳеч бўлмаганда, нафратга берилмасликлари, Яратгандан инсоф тилашлари лозим. Меҳр кўрсатолмаганлар, меҳр кўрмайдилар. Худога шукр қиладиган ширин тилни йўқлаб келувчилар кўп бўлади, азиз болажонларим.

Ҳар куни ётиш олдидан, эрталаб турганда аввало худога шукрона айтиб, сўнг жумлаи мўминлар қатори оиламга, ўзимга соғлиқ ато этгин деб, илтижо қилинг. Соғлиқ бўлса қолган ҳаммаси аста-секин юзага чиқаверади.

Демак, шукр қилмоқ инсоннинг энг гўзал хислатларидан ҳисобланади. Шукроналикнинг мазмун-моҳиятини англаган кишига бешта иллат яқинлашмайди.

Биринчидан, нафс деб аталмиш бало домига тушмайди. Чунки унинг назари тўқ.

Иккинчидан, таъмагирликдан узоқ юради, боиси қалби самимият ёғдуси билан нурланган.

Учинчидан, хушомадни ҳушламайди, негаки, ҳар қандай тилёғламаликда ёвуз бир ният, манфаат пайт пойлаб ётишини яхши англайди.

Тўртинчидан, ўзгалар бахт-саодатини кўрганда чин дилдан севинади, чунки кўролмаслик азоби сабрнинг этини тирнамайди.

Бешинчидан, топганига шукр, топмаганига сабр қилади, ҳаргиз йўқлик учун ҳаётни лаънатламайди.

Ҳаётга қараб туриб ҳайрон қоласан: ёгани олдида, емагани кетида, эшигини ел очиб-ёпадиган айрим бой-бадавлат, аммо маънавий қашшоқ кишилар кўпроқ ношукрлик қиладилар. Аксинча, кундалик ҳаётда учрайдиган машаққатларга тоқатли, имони мустаҳкам, камсуқум биродарларимиз яхши амаллари билан барчага ибрат кўрсатадилар.

Алалхусус, одам фарзанди елиб-югурса, албатта муродига етади. Худо бу юрган бўлса, бой-бадавлатлик даражасига ҳам эришади. Аммо борига шукр қилмоқ бу илоҳий қудратдир. Тарихда ном қолдирган неча зотлар ҳам сабр, шукр, тавба, умид каби Яратганнинг буюк неъматлари моҳиятини теран ҳис этиш бобида ожизлик қилганларини яширмаган. Битта ривоятни ёзиб ўтаман, хулоса чиқариш эса ўзингларга ҳавола: Луқмони Ҳакимдек донишманд одам Куфа шаҳрига келганида масжидга чиқишга шиппак тополмай фиғони фалакка кўтарилибди. "Ахир номим етти иқлимга кетган табиб бўлсаму, яна яланғоёқлигимча қолаверсам, қани ҳақиқат, қани адолат?!".

Ўша ўйлар гирдобида масжидга борса, бир киши қўлларини баланд кўтариб ибодат қилишга имкон берган Аллоҳга кўзларида ёш билан муножот айтиб, шукрона келтираётган экан. Яқинроқ бориб қараса, ўша одамнинг икки оёғи кесилган, белида ўтириб ҳамд айтаётган экан.

Борига қаноат қилишнинг баҳоси баланд. Кўрган кунимизга шукр қилиш эса улуғликдир, азиз болажонларим.

* * *

Азиз болажонларим! Маълумотларга кўра, Аллоҳу Таоло Қуръони каримнинг тўқсондан ортиқ ерида сабрни зикр этган, бир қанча аҳлоқий фазилат ва хусусиятларни сабрга боғлаган, маънавий рутбалар ва эзгуликларни сабрнинг самараси айлаган. Дарҳақиқат, Қуръони каримдаги сабрга оид ҳар бир оят шуларни тўла тасдиқлайди. Мана шунинг учун ҳам Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, тасаввуф шеъриятида сабрга алоҳида аҳамият берилган. Зеро "Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни хилмга, манманликни тавозега, ёмонликни яхшиликка алмаштирмакка қуввати етар".

Сабр-чидам, бардош, тоқат айлаш демак. Биз сабр деганда кўпинча йўқчилик, қийинчилик ва кулфатларга бардошли бўлишни англаймиз. Аслида сабрнинг мушкули бой-бадавлатли, омад ва шодлик чоғларидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақида Имом Ғаззолий шундай ёзган: "Ҳақиқий ҳунар офият ва тўқчиликда сабр қилишни билишдир. Бунинг сабри улардан шодланиб кўнгил бермаслик. Ҳамма-ҳаммаси кишининг қўлида омонатлигини ва бир онда йўқ бўлиши мумкинлигини билишдир. Шунинг учун фоний дунёнинг ҳеч бир нарсасига кўнгил бермаслик лозим... Йўқсилликда сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур, бироқ бой-бадавлатликдаги сабр тамомила бир ирода ишидир..." Чунки айнан бой-бадавлатлик ҳолатида нафс инсонни тез ва кўп йўлдан оздириб, ўзига таслим этади. Нажмиддин Кубро ҳазратлари сабрни "Нафснинг истакларидан бамисоли бир ўлик янглиғ узоқ турмоқ", дея таърифлаб яна бундай деганлар: "Сабр нафсга қарши бориб, унинг талаб ва истакларини бажармаслик, истамайдиганларни эса бажаришдир".

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ

ЎЗИМДАН ТЎРТ ЁШ КАТТА ҚИЗНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ...

боғлиқ воқеани сиз билан қилиб, юртдошларимдан маслаҳат сўрамоқчиман.

Оилада 4 фарзандмиз, онам-отам тушунган, ўқиган инсонлар. Ўзим туманимиздаги машҳур фирмада программист бўлиб ишлаяпман. "Оила ва жамият" газетасининг "Келинг, дўстлашайлик" саҳифаси орқали бир канча дўстлар орттиришга муяссар бўлдим. У. исмли йигит билан ҳам ушбу саҳифа орқали танишиб олдик. У. Қашқадарё вилоятидан, мен эса Бухородан бўлсак-да, бу узоқ масофа дўстлашувимизга тўсқинлик қила олмади. У. мени кидириб Бухорога ташриф буюрди. Чунки унинг яқин қариндошлари бизга яқин жойда туришарди. Шу йилнинг 1 феврал куни учрашиб, янада яқинроқ танишиб олдик. Ушбу инсонга нисбатан дўстлигим ниҳоятда мустаҳкам эканлигини сезиб турардим. У.нинг истараси иссиқлиги ва ширин сўзлилиги мени лол қолдирди. Икки кун мобайнида биз яна бир бор учрашиб узоқ гаплашдик. У. гап орасида менга ўз туйғуларини очиқ-ойдин сўзлаб, кутилмаганда севги изҳор қилиб қолди. Мен қарахт ҳолда бир сўз айтишга ожиз турардим. Кучли зарба сингари қалбимга келиб урилган бу туйғуни ўша вақтда сезмаган эканман. Унинг ўзи, оиласи ва яқинлари ҳақида маълумотга эга бўлмасам-да, уни ёқтириб қолганлигимни сеза бошладим.

Орадан бир неча кун ўтиб, У. тўғридан-тўғри уйимизга мени сўраб келди. Ўша куни кеч соат 19 лар чамаси эди. Онам мени сўраб қашқадарёлик бир йигит дарвозамиз олдида турганлигини айтиб қолдилар. Нима қилишимни билмасдан ҳангу-манг ҳолда кўча томон отилдим. У.ни кўриб ич-ичимдан хурсанд бўлсам, бир томондан уйдагиларимнинг бадфашк феълларини ўйлаб қисилардим. Биз ҳали гаплашишга улгурмасимиздан, дарвоза томон келаётган акамга кўзим тушди. Акам мени бегона йигит билан кўриб ҳайрон бўлиди-да: "Маҳлиё, сенмисан? Бу ерда нима қилаяпсан? Бу ким?" - дея саволларга кўмиб ташлади. Мен бўлсам қўрқоқлик қилиб бу киши курсдошим дедим. Акам тез уйга киришимни буюрди. У. бир нималар деб қолди. Акам уйга кириб важоҳат билан: "У ким?" -деди. Мен яна уни курсдошим, деб уйимдагиларни алдашга мажбур бўлдим. У билан мактуб орқали танишлигимни фақат синглим билан иккимиз билардик, холос. Ўша куни уйимизда катта жанжал бўлди. Акам менга бўлган ишончини синдирганимни айтди. У. билан эса қайта учрашмадик. Менинг унга айтадиган гапларим ҳам кўнглимнинг туб-тубида қолиб кетди. Ўша вақтда уйимизга қишлоғимиздан совчилар кела бошлаган эди. Кўнглимга қулоқ ҳам солмай, қишлоғимиздан бир йигитга мени уналитириб қўйишди. Кўнглим қоп-қора ҳолда бўлажак турмуш ўртоғим билан учрашдим. Унга нисбатан кўнглимга ҳеч қандай илиқлик йўқлигини ўзига очиқ айтдим. Майли, нима бўлганда ҳам сенга уйланаман, деди. Менинг кўнглимга яқин инсон У.ни ҳеч қачон унута олмаслигимни ҳис қилиб турардим. Қуда томон сарпо-сидирғалар ва катта дабдаба билан унаштирув маросимини ўтказишди. Тўй кунини тезроқ белгилаш мақсадида кунора уйимизга келиб туришди.

Бу орада У.га ёзган мактубимга жавоб келмай мени қийнаётганди. Ва ниҳоят 11-март куни У. ишхонамга телефон қилди. Лекин бир томондан унаштирилганлигим, ота-онамга бўлган ҳурматимни ўйлаб, ўша куни ўз қалбимга қарши борган ҳолда У.га менга қайтиб телефон қилмаслигини, унаштирилганимни айтиб телефон гўшагини қўйиб қўйдим. Ўзимни тута олмай йиғлаб юбордим. Ўша куни қалбимга яқин инсонни бир умрга йўқотганимни ҳис қилдим. Бу орада тўйимиз орқага сурилди. Сабаб, қуда томоннинг яқин қариндоши оламдан ўтиб қолди. Бўлажак турмуш ўртоғим билан қайта учрашишга рози бўлмадим. Иложи борича уни кўрмасам хотиржам юрадиган бўлиб қолдим. У.га июн ойида мактуб ёзиб, менга эсдалик учун юборган фото суратларини қайтариб ўзига юбордим. Чунки уни эслатиб турувчи нарса қўлимда бўлмаслигини хоҳладим. Лекин мен учун аталган махсус суратини сақлаб қолдим. У.дан жавоб мактуби ҳалигача келгани йўқ. Аёл киши шаънига бу йўл тўғри бўлмаса-да, кўнглим буюрган ишни қилдим. Келажак ҳаётимни ҳатто тасаввур қила олмайман. Ўзим суймаган инсон билан бир умр яшашни ўйласам сиқилгандан баъзида ҳаётдан тўйиб кетаман. Хайриятки, ишлайман. Кўнглимга таскин фақат ишхонам. Юртдошларимнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб қоламан.

М.

ГУРУР



Баҳорнинг илиқ кунларидан бири эди. Биринчи соат физика дарси. Устоз дарсни жуда моҳирлик билан ўтар, ўзим ҳам физика фанини яхши кўрардим. Дарс сўнггида савол бериш ниятида ўрнимдан турмоқчи эдим, сочим шунақа тортилдики, қичқириб юбордим. Ҳамма қотганича қолди, чунки ҳеч ким менга бунақа ҳазил қилиш нарёқда турсин, бурнимдан баландроқ сўз айта олмасди. Ёнимдаги дугонам Ҳафиза "вой" деганича стол суянчиғига боғлаб қўйилган сочимни еча бошлади. Сочим жуда узун ва майда қилиб ўрилганди. Орқадаги партада Акбар исмли синфдошим ўтирарди, унинг бунақа ҳазиллашиши...

Хуллас, сочим ечилгач, шартта ўгрилиб Акбарнинг юзига тарсаки туширдим. Қип-қизариб, нимадир деганича юзини ушлади. Кқйлагининг ёқасидан ушлаб тортгандим, у ўрнидан туриб кетди. Акбарни қандай қилиб йиқитдим, билмайман... бир пайт қарасам, Акбар парталар оралиғида очиқ жойда чалқанча йиқилган, ҳамма бизни ўраб олган, устоз қўлимдан ушлаганича нималарнидир тушунтирарди. Аммо ҳеч нарса қулоғимга кирмасди. Юзимни қўлларим билан тўсганча, ўзимни каридорга урдим. Ҳафиза ортимдан етиб келди. Мен ўзимдан хафа эдим. Акбарга ҳурмат назари билан қарардим, баъзи гапларга кулиб қўярдим, у эса мени бошқача тушунган. У бунақа ҳазил қилишга, қандай журъат этди? Уйга борганимда ҳам йиғлагим келарди. Кўзгу ёнида ўтириб-ўтириб сочим кўзимга ёмон кўриниб кетди, шартта кесиб ташладим. Онам роса қарғадилар. Синфдош қизлар ачиниб, хафа бўлишди. Рўмол ўраб юрганим учун отам билмадилар, бўлмаса...

Мен қўшни партадаги Ҳалима билан жой алишдим. Акбар бир неча марта гаплашишга уринди, аммо уни кўришни ҳам истамасдим. Бир ойдан сўнг битурув кечаси бўлди. Мен Тошкентга ўқишга келдим, бахтим чопиб талаба номига сазовор бўлдим. Акбар билан бир неча марта тўйларда, кўчада дуч келдик, мен уни кўрмагандай терс ўгрилиб кетардим. Уни тўйимга ҳам чақирмадим. Тўй куни Ҳафиза шунақа чиройли гулдаста олиб келдики, асти сўраманг. Оқ ва қизил атиргуллардан ясалган, ўртасида бир дона сарғимтил гунча ҳам бор эди. Мен сариқ гулларни ёқтирардим. Гулларни никоҳ оқшомида стол устига қўйиш кераклигини айтиб, дугонамга миннатдорчилик билдирдим.

Тўй айни қизиган, синфдошлар даврани тўлдириб ўйнаётган маҳал бехосдан рўпарада уларга қўшила олмасдан турган Акбар билан нигоҳимиз тўқнашди. Уни кўриб титраб кетдим: «Чақирилмаган жойда нима бор»,- дегандай хўмрайиб қўйдим.

Акбар ҳазин жилмайди...

Уч кундан кейин Ҳафиза мени кўришга келди, тошойна олдидаги гулларни кўриб, ерга қаради ва бир гап айтсам хафа бўлмайсанми, -деди. Йўқ, жавобини олгач, ботинмайгина гулдастани Акбар берганини айтди. Мен бир унга, бир гулларга қараганимча тош қотиб қолдим. Бармоқ тишлаб турганимни кўриб, Ҳафиза гапира бошлади. "Гулларни улоқтирмоқчимисан. Орадан тўрт йил ўтди. Ҳаммамиз ҳар ёққа тарқаб кетдик. Бир арзимаган ҳазилни деб бечорани шунча қийнадинг. Ахир кечирим сўради қабул қилмадинг, хатларини очмасдан йиртиб ташладинг, тўйингга чақирмадинг, у эса келди, сўрашмадинг. Бунчалар худбин, бағритош бўлмасанг. Агар Акбарни ўрнида мен бўлганимда, ўшанда ҳамманинг олдида урганинг учун ҳеч қачон юзингга қарамасдим. Ўйлайсанки, у ўшанда кучсизлигидан йиқилди деб. Йўқ, у ўзини гуноҳкор сезгани учун сенга қаршилик ҳам қилмади. Бунчалик жаҳлинг чиқишини билмаган ахир. Қайси қизга ҳазил қилишмайди. Тўғри, синфдаги энг чиройли, мағрур, ҳаммадан ақлли ва аълочи қиз эдинг. Шу сабабдан ҳамма қизлар сенга тақлид қилишар, ҳар бир ишинг бизга тўғридай кўринар, сенга эргашардик. Аммо ҳаёт ўз номи билан ҳаёт экан. Тошкентда юрганингда синфдошларни эслаб, кўнглинг ёришганда Акбарни ҳам эслаб, кечириб қўйгин. Яна ўзинг биласан. Гулларга эса тегмагин. Гулларни бераётиб, унинг номидан табриклашимни сўраганди, тўй куни журъат қилолмадим. Армияга кетаётган экан. Ўша беъмани ҳазили учун ўзини кечираолмаслигини айтди. Унга сен билан гаплашаман дегандим, шу пайтгача аралашмадим. Агар сенинг олдингда заррача қадрим бўлса Акбарни мен учун кечиргин. "Ҳафиза кетди. Кўз ўнгимда Акбарни тўй кунидаги маҳзун қиёфаси жонланди. У стол устидаги гулларни кўриб, ярашганимизга ишониб армияга кетгандир. Ўтган йилларни эслаб, Акбарни кечиргим келди, бироқ юрагимда нимадир, уни айбдор деб таъкидларди. Ҳаёт бир маромда борар, синфдошлар ҳам ўз ташвишлари билан бўлиб кетган, қишлокда бир зумга бориб бирини кўриб, бирини кўрмай шаҳарга қайтаман. Энди Акбар ҳақидаги гапларга парво қилмас, аммо унга дуч келмасликка уринардим. Яқинда Акбардан таклифнома олдим. Уйланаётган экан, боришимни илтимос қилибди: Мен, боролмайман. Ҳозир сочим ўн йил олдингидан ҳам узун, аммо кўнгил...

Баъзида ўйлаб-ўйлаб ўзимдан ранжийман. Арзимаган ҳазилни деб йигит кишининг ғурурини ер билан яксон қилишга ҳаққим бормиди? Лабларим пичирлайди: Йўқ, ҳаққинг йўқ эди. Ҳайқиргим келади. Акбар мен сени кечирдим. Алақачонлар кечириб юборганман.

Сайёра ШОЕВА,
Шўрчи.

БОШИ БЕРК ЙИГИТ ЎЗИДАМАН

Ёшим йигирмада, Сурхондарёданман. Тошкентга ўтган йили билим олиш мақсадида келгандим. Ўқишга киролмадим. Сўнг бу ердан кетгим келмади. Бир иш топиб, ишлай бошладим. Ўша ерда ўзимдан тўрт ёш катта қизни учратиб қолдим. У билан салом-алик қилиб, сўрашиб юрдим. "Севги ёш танламайди", деганлари шу экан-да, мен у қизни кандайдир ҳис-туйғу билан ўзимга яқин била бошладим. У билан энди кўпроқ учрашадиган бўлдим. Назаримда у ҳам менга бефарқ эмасдек, буни юрагим сезарди. Ёшимизнинг фарқига қарамай, мен уни қаттиқ севиб қолдим. Унга юрагимда борини тўкиб солдим. Бахтимга у ҳам мени севиб қолган экан. Биз ошиқ-мошиқлар ўзимизча ахду-паймон ҳам қилдик.

Шундай кунларнинг бирида қизнинг опачаси бизнинг муносабатимиздан хабар топибди. Мени ҳам анчадан бери биларди, танирди. Менга: "Сиз бориб уйингиздагилар билан гаплашинг, улар нима дейишади ҳали, синглим сиздан тўрт ёш катта", - деди. Мен: "Ёшнинг аҳамияти йўқ, мен уни севаман", - дедим.

Сўнгра Сурхондарёга бориб, ойим ва акамлар билан гаплашдим. Улар рози бўлишди. Кувончим ичимга сиғмай, шаҳри азимга қайтиб келдим. Бу ерда эса... Мен кетишим билан опачаси бор гапни ойисига айтибди. Ойиси эса биз турмуш қуришимизга тиш-тирноғи билан қарши экан. Ҳатто қизига: "Ё уни дейсан, ё бизларни!" - деб шарт қўйибди. Мен у қизсиз бир кун ҳам яшай олмайман, у ҳам.

Нима қилишни билмай қолдим. Шунга сиз азиз муштарийлардан маслаҳат сўрайман. Айтинг, нима қилай?

С.
Сурхондарё.

ТАНТИҚ

(ёхуд севгидек ажойиб ҳиснинг қадрига 44-45 ёшларида етган Ҳалимахон Юсупованинг қуюшқондан чиқиб кетганлиги ҳақида)

Мунофиқ. Бу иллатга чалинган кимса ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. Тузалмас бу дардга ёши ўтиб қолган ОНА, АЁЛ, СУЮКЛИ ЁР дея эъзозланувчи зот мубтало бўлса, бундан ёмони йўқ экан.

Ҳалимахон ана шундай кимса бўлганлигидан чорак аср рўзғор қилиб, уй-жой тиклаб, оила қуриб, ёши 44-45га борганида севгидан кўзлари кўр бўлиб қолди. Тўғри, инсон қалбининг энг олий ҳисси-муҳаббат дардига чалинган 16-25 ёшлар орасидаги йигит-қизларда бундай ҳолатнинг бўлишини табиий ҳол деб баҳоласа ўринли бўлади. Бундан уч йилча бурун Ҳалимахон содир этган хиёнатнинг тафсилоти билан танишганингиздан сўнг унга "тантиқ" деган баҳони беришингиз аниқ...

Якшанба хизмат юзасидан вилоятимизнинг туманларидан бирида бўлган мезбонлар бир пиёла чой устида ҳамюртлари бўлган Ҳалимахон Юсупованинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган пасткашлиги ҳақида гапиришганда олдинига ишонмадим.

- Нимасини айтасиз, - деди даврадошлардан Ҳабилло исмли йигит нафратини яширмай. - Бу Ҳалимада қилча фаҳм-фаросат, ор-номус йўқ экан.

Рости гап дастлаб бу ҳақда ёзишга истиҳола қилиб юрдим. Охири бўлмади. Буюк зот дея улуғланаётган минг-минглаб бир-биридан ориятли, сабр-қаноатда тенгсиз, фарзанди учун ўзини қурбон қилишга тайёр аёлларимиз мени маъзур тутишар деган умидда қўлимга қалам олдим.

Чунки "қаҳрамонимиз" Ҳалимахоннинг ўзбекона урф-одатларимиз, дунёқарашларимизга мутлақо зид тутуми, бегона эркакни севиб, бунинг эвазига бировлар ҳавас қиладиган гулдек оиласини чилпарчин қилишидан менимча, кўпчилик нафратланса керак.

Ҳалимахон бундан 26 йил бурун ҳамкишлоқ йигит Аҳмаджон Юсуповга яхши орзу-ниятлар билан турмушга чиққанди. Тўғриси, Чуқуржар қишлоғида Юсуповлар оиласи бировдан кам, бировдан зиёда умргузаронлик қилиб, баҳоли қудрат рўзғор тебратиб яшарди. Яратган эгам Аҳмаджон ва Ҳалимахонга орқама-орқа уч ўғил, бир қиз ато этди.

Тўнғич ўғли Ахрормирзага Наргиза исмли қизни келин қилиб олиб беришди. Бундай бахтга етишганлигидан қувониб энди иккинчи ўғиллари Асрормирзани уйлаш ғамига тушишди. Барча ташвиш Аҳмаджоннинг бошида эди. У топиб-тутиб келса бас. Ҳалимахон уни саранжом-саришта қилиб тўйга жамларди.

Асл касби сувчи бўлган Аҳмаджон умри далада ўтгани боис деҳқончилик илмини яхши эгаллаганди. Уни шундайлигини билган пулдор Орифжон Сатторов шериклик иш қилишга таклиф этди. У ширкат хўжалиги даласидан 4,5 гектар экин майдони олмоқчилигини Аҳмаджонга айтди. У ҳам шуни кутиб турган-дек дарров рози бўлди. Тўғри, ер эгаси Орифжон ва деҳқон Аҳмаджонлар орасидаги шартнома ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган, шунчаки оғзаки эди.

Олинадиган ерга пиёз, помидор, ловия, мош каби бозоргир экинлар экилди. Улардан кутилган ҳосил пировардида ўзаро тенг тақсимланадиган бўлди. Ерни Орифжон Сатторов олиб берди. Бу билан унинг вазифаси тугаганди. Уруғлик учун барча сарф-харажатлар Аҳмаджоннинг зиммасига тушди. Бундан ташқари шунча майдондаги барча меҳнат машаққатларини ҳам бевосита Юсуповлар қилишлари шарт эди.

Эрта баҳордан Аҳмаджон, Ҳалимахон, ўғиллари, келини ва ёлғизгина қизи Нафисани ёнига олиб, тиним билмай ишлашди. Йил яхши келиб, экинлар ҳосили мўл-кўл бўлди. Бундай ҳосил чўғини кўрган деҳқонбошининг кўнгли тоғдай кўтарилди. Ахир меҳнатлари зое кетмади-да. Бунинг эвазига маъмурчилик бўлиб, дастурхонлари тўкин-сочин бўлиши аниқ эди. Ахир, бир ўйлаб кўринг-а, 4,5 гектар майдонда етиштирилган ҳосил, лоф эмас-у, сўзсиз миллион-миллион сўм даромад келтириши шак-шубҳасиз.

Аммо, ана шундай ҳадсиз-ҳудудсиз умидлар ҳеч кутилмаганда кўз очиб юмгунча сув пуфакчаларидай ёрилиб-ёрилиб кетди. Ерни олиб берган Орифжон Сатторов очкўзлиги тутиб туну кун ишлаган Аҳмаджон Юсупов оиласига сариқ чақа ҳам тўламади. Бу бойваччанинг пасткашлигининг дастлабки ўйини эди. Икки қўлларини бурунларига тиқиб қолишган Юсуповчилар арзи-додини кимга айтишни билмай қолишди.

Орифжон Сатторовнинг кейинги тубанлиги — ўз оиласи, бола-чақаси бўла туриб, Ҳалимахонни иккинчи хотин қилиб олди.

Турмуш чорраҳаларида

қариганда қўққисдан пайдо кўр севгининг оқибати эди. Ҳалимахоннинг севгиси уни нафақат кўзини ожизланишига, балки ақлини заифлашишига, қалбини тубанлашишига олиб келди.

Тўғри, бу ёруғ оламда барчамиз хоҳлаганимиздек яшашимиз, кўнглимиздагидек умргузаронлик қилишга тўла ҳақлимиз. Бу ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳеч ким чегаралашга, таъқиб қилишга ҳаққи йўқ. Шу аснода ярим асрлик умр довонига бориб қолганда "севиб-севилиб" қолган Ҳалимахонни

Аҳмаджон бечора ишни даъфатан шундай бўлишини кутмаганлигидан гангиб қолди. Бундай беаёв зарбадан ўғли, келини, қолган фарзандлари қанчалик аламзада бўлганини таърифлашга тил ожиз.

Аҳмаджон бечора умри ўтиб қолгани, қолаверса ҳали уйланмаган ўғиллари, узатилмаган қизининг тақдирини ўйлаб, эркак боши билан хотинини оиласига қайтаришга уринди. Аммо, эрнинг бундай хатти-ҳаракатлари Ҳалимахонга мисқолча таъсир этмади. Тўрт фарзанд кўриб, чорак аср рўзғор тебратган аёлнинг жигарбандларини ташлаб бошқа эрга тегиб олиши кўриниб турган ақлсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Маҳалла-кўй, айниқса бообрў оқсоқоллар Ҳалимахонни инсофга чақириб, қадрдон оиласига қайтармоқчи бўлишганида, у тантиқларча:

- Сизлар хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, мен бу эримга аввалдан қилча кўнглим йўқ эди. У билан ўлганимни кунидан турмуш кечирардим. Энди Орифжон Сатторовни юрак-юрагимдан севиб қолдим. Шу севгим ҳурмати унга тегиб олдим. Ахир мен ҳам аёлман, инсонман. Севишга, севилишга ҳақлиман-ку, бу ўткинчи ҳаётда. Худо қанча умр берса бу ёғини роҳат-фароғатда ўтказай, дедим. Мени турмушимга аралашманглар. Болаларим ўлмаса бир кунини кўрар. Эрим ҳам ҳозир ким кўп, бева-тул кўп. Биттасини олиб яшайверсин! - дея терс жавоб қайтарди.

Ҳалимахон шахсий ҳузур-ҳаловатини деб, ўғилларини ўйламай шундай қабиҳликка борди. Биз бежиз ўғилларини ўйламади, демадик. У гўёки меҳрибон онадек кенжа фарзанди — қизини ўз отаси қолиб, ўгай отаникига олиб кетди. Ака-сингилларини бир-биридан жудо қилди.

Бу ҳам етмаганидек, у Аҳмаджон билан йигирма олти йиллик биргаликдаги тотув турмушлари даврида йиққан-терган мол-мулкларини ҳам уялмай, "севимли" эриникига олиб кетди. Бундан ташқари ўлганнинг устига чиқиб тепгандай Аҳмаджон Юсуповнинг отасидан мерос бўлиб қолган 12-сотиҳли дала ҳовлидаги шийпончани ҳам унинг рухсатисиз, розилигисиз бировга сотиб, пулини ҳам янги "оила"си эҳтиёжига ишлатиб юборди. Ана кексайганда қалбда пайдо бўлган "севги"нинг куч-қудрати "самараси".

Турмушнинг аччиқ, аёвсиз синовларига учраган Аҳмаджон турли мутасадди идораларга учради. Аммо бундан ўзи кутган нафни ололмади.

Қалби "ёшарган" "ҳотамтой" хотини шунча мол-мулкни ўзи айтгандай тирик бўлса юрагида, ўлса суягидан чиқмайдиган Орифжон Сатторовга ҳадя қилиб юборди. Бу ҳам қоралашга ваколатли эмасмиз. Аммо, унинг тутган тутуми, маҳаллада катта-кичикка уялмай айтган сўзларига, илон пўст ташлайди.

Ҳали севгидек нозик ҳис қадр-қимматини тушуниб етмаган қиз бир йигитни севиб, кейин айниб, бошқасини ихтиёр айласа, буни кечирса бўлади.

Бироқ, Ҳалимахондек аёлнинг бу қилиғини қандай аташга тилимиз бормаяпти. Бу тантиқликдан бошқа нарса эмас!

- Агар севги дегани шу бўлса, у эллиқни қоралаб қолган аёлнинг қалбини банд этиб, оиланинг парчаланишга, туққан фарзандларини эларо бошини хам қилиб, мулзам бўлишга олиб келса ундай муҳаббатни боридан йўғи. Бўлганидан бўлмагани минг бора яхши. Ундай ҳавасга эмас, ҳасадга лойиқ севгининг уруғларига чўғ тушиб, таг-томири билан йўқ бўлиб кетсин-а! - деганда Исоқжон дўстимиз ҳақ эди.

Зеро, ўткинчи, ёлғон муҳаббат қулига айланган кимса у хоҳ эркакдир, хоҳ аёлдир ўз боласидан, оиласидан воз кечишга юраги дош берган экан, у ҳеч қачон ўзгаларга бахт ато эта олмайди.

Балки, Ҳалимахон Ғарб сериалларидаги миллатимизга ёт "севги саргузаштлари"дан ибрат олгандир?! Ахир, уларда бугун биттасини севса, эртага фарзанди бўла туриб бошқасига кўнгил қўйиши, индинга яна бирининг қўлини ушлаб кетиши табиий ҳол-ку!

Воқеа тафсилоти шу. Уни ҳар ким ўзича турлича талқин қилиб мулоҳаза юритиши табиий. Ана шу фикрлар дилда қолиб кетмай ундан бошқаларни ҳам бахраманд этилса ёмон бўлмас.

Аскарали МАМАТОВ,
Наманган вилояти.

Муаллак

"ГАП"-даги гап

— Оиламдан кўнглим тўқ. Эрим меҳнаткаш, диёнатли инсон. Болаларим соғ-саломат, ўйнаб-кулиб ўсмоқда. Менга шуларнинг ўзи бас, бошқа майда-чуйдаларга унчалик эътибор бермайман. Аммо бир куни...

Соғлиғим ёмонлашиб, имконим бўлмагани учун шифохонага қатнаб даволана бошладим. Даволанишим тугай деб қолган охирги кунларнинг бирида, эмлашлар ҳолдан тойдирдими, ишқилиб юришга куч тополмай анча ўтирдим. Шифокорлар уйга бир ўзим кетмаслигимни, яқинларимдан кимнидир чақиришимни маслаҳат беришди. Хўжайинимга телефон қилиб вазиятни тушунтирдим. Унинг машинаси бор, ҳозир айни тушлик вақти, ишхонасидан чиқиш имкони ҳам бор эди. У дарров етиб боришини айтганида кўнглим анча кўтарилиб, ичимда эримдан миннатдор бўлдим. Шифохонанинг дарвозаси олдида кутиб турар эканман, сал нарирокда унинг машинаси тўхтаганини кўриб ўша тарафга ошиқдим. Чунки тўлқинланиб кетганимдан хўжайинимни тезроқ кўргим келаётган эди. У машинадан тушиб мен томонга жуда шошилиб юрди. Назаримда менинг ёнимга шиддат билан интилаётгандай, олдимдаги кичикроқ ариқчадан ўтишимга ёрдамлашмоқ учун қўлини чўзмоқчидай, муҳими мени эҳтиётлашга ошиқаётгандай туюлди. Эрим бўлса, сомса олиб олай, сен чиқавер, – деди-ю, қаватимдан шип этиб ўтди-кетди. Шу арзимаган, оддийгина ҳаракатдан дилим жуда қаттиқ оғриди. Чунки унга қўлимни чўзиб улгургандим. Эрим буни мутлақо пайқамади. Мен муаллақ қолган қўлимни қаерга қўйишимни билмай, пешонамга босдим. Машинада кетиб борар эканмиз:

— Сен овқат қилолмайсан, болалар оч ўтиришгандир,– деди бўш ўриндиқда ётган бир пакет сомсаларга ишора қилиб. Унга меҳрим товланиб жилмайиб қўйдим.

"Қандай яхши эрим бор-а. Меҳрибонлигини, қайғуришини қаранг..." ва ҳоказо шундай илиқ сўзлар билан дилимдаги ранжни тарқатишга уринар эканман, кўнглим баттар ўксиб борарди. Мен мутлақо эътибор бермайдиган майда-чуйдалар, икир-чикирлар хотирамда акс эта бошлаган эди. Оғир рўзғор халтасини ўз билгича қўлимдан олмагани, мазам бўлмай ётганимда бир оғиз ҳол сўрамагани, имконимиз бўлмай жигарларимнинг тўйига боролмай қолганимда, ундан кутганим таскинни тополмаганим... Буларни у атайлаб қилармиди ёки сезмасдан, билмайман. Аммо, айтаверсам жуда кўп экан бундай арзимас, аммо оғриқли ҳолатлар. Нима ҳам қилардим, ҳаёт шунақа экан-да... Барибир мен бахтли аёлман. Лекин юрагим тубида кичкина, аммо оғир нимадир чўкиб ётибди...

Насиба РИЗАЕВА.

Қолган Қўл

Етти ўлчаб, бир кесинг...

Анчадан буён таҳририятнинг Оила бўлимига ўз бахтини излаб келиб, таниш бўлиб қолган 60 ёшлардаги отахон бу гал шашти паст ҳолда ташриф буюрди.

- Тинчликми?— сўрайман саломатлигидан ташвишланиб.

- Эҳ, бир товламачига учрадим, шекилли... -"уф" тортади отахон.

- Нима гап?

- Берган телефон рақамларингиз орқали ёшгина жувон билан учрашувдик. Кўриниши бежирим, анча мулоҳазали кўринувди. Суҳбатлашдик. Бир-биримизга ёқдик. Гап орасида совутгичини таъмирлаётганини, пул кераклигини айтди. Қарз бериб турсам, қайтаришини ваъда қилди.

- Қанча қарз сўради?

- 60 минг сўм.

- Сиз рози бўла қолдингизми? Бунинг устига уни ҳали яхши танимасангиз...

- Ҳа, энди... ёмон хотинга ўхшамовди-да...

- Сизга айтувдим-ку: "Эълон орқали танишадиган одамингизга олди-берди, пул масалаларини аралаштирманг"- деб. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганларидек, бундай пайтда панд еб қолиш ҳеч гап эмас. Олдузингиз юлдузига тўғри келиб «гапни бир жойга қўйгач», ўз хасмингиз бўлганидан кейин унга ишонсангиз тўғри бўлади. Ўшанда ҳам "одам оласи ичида" деган гапни унутмаслик керак.

- Эҳ, синглим, хом сут эмган бандамиз-да. Эртаси куни 60 минг сўм олиб келдим. Шу орада бир лўли келиб тилла узук ва зирагини арзонга сотишини айтиб қолди. Мен олиб унга совға қилдим. Кейин билсам у жездан ясалган экан. Қолган 30 минг сўмни аёлга бериб юбордим. Уйининг манзилини ҳам айтмади, қўнғироқ қиларсиз, деди. Қўнғироқ қилсам, энди ўзини олиб қочаяпти.

- Хафа бўлмангу, ёшингизнинг ҳурмати бор, аммо айб ўзингиздан ўтибди. Ёнингиздаги гувоҳингиз йўқ, пул "олмадим" деса нима қиласиз?

- Шундан қўрқиб турибман... пенсамни жамғариб қўювдим... — отахоннинг юзи мунгли тус олди.

* * *

"Келди-кетди дафтардан" аёлнинг телефон рақамини топиб, тера бошладим. Қувноқ майин овоз эшитилди:

- Алло!

- ... уйларими?

- Ҳа, ким сўравотти?

Ўзимни таништирдим. Чўчитиб юбормаслик учун:

- ... ота билан учрашдинглари?- деб сўрадим.

- Ҳа, гаплашдик. Кўп гапиррркан! Ўйлаб кўрай, деб юбордим.

- Қарорингиз қандай бўлди?

- Билмадим ҳали...

- Улардан пул-мул олмадингизми?- муддаога ўтдим.

- Ҳа, 30 минг берувди. "Совутгичимни таъмирлаётувдим. Ҳозир пул топиб ўшани олиб келишим керак", десам, "Неча пул керак, мен бериб тураман, пенсамни йиғиб қўйганман",- деди. "Майли", дедим. Ҳатто кетаётиб, "ҳамма пулимни сизга олиб келиб бераман. Сақлайдиган, ишонадиган одамим йўқ. Керак бўлса, оз-оздан олиб ишлатарман", деди. Аммо эртаси куни олтмиш минг сўм олиб келиб: "Келинимга", - деб, қаердаги шақилдоқ узук-зиракни ўттиз мингга олди. "Олманг, бу лўлилар алдайди", - десам ҳам қулоқ солмади. Менга берган пулини қўнғироқ қилса, бериб юбораман. Мен кўзи тўқ одамман. Тавба, одамларга ҳам ҳайронсан... - дея тутоқа бошлади.

- Ўзингизни босинг, аввало ҳали яхши билмаган одамингиздан нега пул оласиз? Ундан кейин бизнинг рўйхатимизда турган одам бу нарсага жиддий ёндошишига тўғри келади... Отахон сиздан шубҳа қилаяптилар, шу пулларни етказинг-у, орани очиқ қилинг. Мана ўзлари билан гаплашинг.

- Бажонидил! Эртага етказаман.

Гўшакни отахонга бердим. Улар бир вақтни ва жойни келишишди. Икки кундан сўнг отахон келиб, пулларини олганликларини ва аёл анча "майда гаплар" қилганлигини айтдилар.

Албатта у "майда гаплар" бизни қизиқтирмайди. Чунки икки томонни учраштирганимизда ҳам ҳар ким ўз фикрини маъқуллаши, ҳақиқат фақат икковигагина аёнлигича қолиши табиий. Мени бир нарса изтиробга солади. Таҳририятимизга мурожаат қилаётганлар эсли-ҳушли, "оқ-қора"ни таниган, яхши ниятли инсонлар. Аммо кўнгил майлига берилиб кетишадими, баъзан "чув" тушиб қолишади. Илгари ҳам 2 йигитнинг товламачи аёл тузоғига тушиб, анча-мунча пулларидан айрилиб қолганлари ҳақида ёзган эдим. Бугунги воқеага ҳам кулиб бўлмайди...

Азиз мухлис! Сизни яна бир бор огоҳлантирамиз: Учрашаётган ҳамроҳингизга дарҳол ишониб қолманг! Ҳужжатларини текшириб, бир неча бор суҳбатлашиб, керак бўлса орқаворотдан суриштириб, кейин аҳдлашинг! Таҳририят оила қурмоқчи бўлганларни бир-бирига таништиради, халос. Ундан кейинги сабаб-оқибатлар фақат ўз зиммангизда. Оила ҳақиқий, мустаҳкам пойдевор устида қурилгандагина ишончли бўлади, унутманг!..

Санобар.

Маҳаллада оиламизнинг ўз ўрни бор. Эл қатори насибамизга яраша яшаймиз. Аммо мени икки қизимнинг тақдири ўйга солади. Бири **33 ёшда**, ёлғончи тақдир экан, ажрашиб кетишди. Иккинчиси **23 ёшда**, ҳали гўшанга кўрмади. Мен бир она сифатида уларнинг бахтини кўрсам, дейман.

Манзилим таҳририятда.
Наима,
Тошкент.

Ёшим 56 да. Олий маълумотлиман. Олти фарзандни вояга етказиб, ўқитиб, барчасига алоҳида уй-жой ҳозирлаганимда, аёлим бедаво касалга чалиниб, бизни ташлаб кетди. Ҳеч бир нарсадан камчилигим йўқ. Умримда ичмаганман, чекмаганман, аммо кейинги пайтда асабийроқ бўлиб қолдим. Шифокорлар: "Уйланмасангиз бўлмайди", - дейишди. Балки мен каби ёлғиз аёл бордир.

Манзилим таҳририятда.
Шокир,
Бухоро.

Ўзим нафақада бўлсам-да, бекор ўтиролмайман. Чунки **60 га кирган** бўлсам ҳам анча ёш кўринаман, шижоатим ҳам етарли. Шу сабаб корхонада ҳам ишлайман. 4 та фарзандни оилали қилдим. Эркак киши ёлғиз қолмасин экан. Ёлғиз "дом"да тураман. Бир кўнгил етар жуфтим бўлса камим бўлмасди.

Манзилим таҳририятда.
Ҳайдар,
Тошкент.

Агар **28 ёшга** кирганимни айтсам танишларим ишонишмайди. Ўрта махсус маълумотим бор. Турмушга чиқдим-у, жуфтимнинг носоғломлигини сезиб қолиб, ногирон фарзанд туғилишидан қўрқиб ажрашишга мажбур бўлдим. Онам дунёдан ўтиб кетган. Қари отам билан тураман. Уйни чиннидай қилишдан тортиб, сигир соғишгача эплайман. Бир мустаҳкам оилага бека бўлиш орзуйим бор.

Манзилим таҳририятда.
Гулираъно,
Тошкент.

Ёшим 65 да. Аёлимдан жудо бўлганимга ўн йилдан ошди. Учта қизимни ўзатдим. Улар ҳозир Россияда яшашади. Мен эса ҳайҳотдек ҳовлида ёлғизман. Яшаш жойимдаги масжитда имомга ёрдамчиман. Ҳали қариликни бўйнимга олганимча йўқ. Балки менга ҳам иймон-эътиқодли, Оллоҳнинг розилиги учун ёлғизликдан халос қиладиган аёл бордир.

Манзилим таҳририятда.
Шокир ота,
Тошкент вилояти.

60 дан ошдим. Ҳаётимдан розиман. Тўртта фарзандни уйли қилдим. Ҳамма нарсам етарли. Аммо, болаларим қанча ардоқлашса-да, раҳматлик умр йўлдошимни ўрни бошқа эди. Буни ёлғиз қолганлар тушунади. Шу боис ориятли, ақлли 50 ёшгача бўлган аёл билан танишсак, оила қурсак дегандим.

Манзилим таҳририятда.
Илҳом,
Тошкент.

Ёшим 31 да. Ҳали турмуш қурмадим. Совчилар кўп бўлди-ю, тенгим топилмади. Кўзим бироз заифроқ. Мен каби қалби тоза, дили пок инсон бўлса, унга садоқатли ёр бўлишимга ишонаман.

Манзилим таҳририятда.
Шодия,
Тошкент.

Ёшим 64 да. Олий маълумотлиман. Нуфузли идораларда ишлаганман. Ҳозир нафақадаман. Аммо тақдир экан, рафиқам пешонамга сиғмади. Болаларни уйлаб-жойладим. Оилада аёлинг бўлмаса, ғарибдай бўлиб қоларкансан киши. Шу боис фарзандларим "уйланинг" дейишаяпти. Фаришталар, солиҳа аёл бўлса... овоз берсин...

Манзилим таҳририятда.
Усмон,
Тошкент.

Ўғлимнинг **ёши 26 да.** Олий маълумотли. Кўркам йигит. Аммо жуда тортинчоқ. Ичмайди, чекмайди. Яхши жойда ишлайди. Шу ўғлимга муносиб ҳар томонлама тўкис қиз бўлса, уйлантирмоқчимиз.

Манзилим таҳририятда.
Маъмура ая,
Тошкент.

Ёшим 65 да. Олий маълумотлиман. Нуфузли идораларда ишлаганман. Турмуш ўртоғим оламдан ўтган. Ўғлим билан яшайман. Иззат-ҳурматдаман. Аммо бир солиҳа аёлга руҳий муҳтожлик сезаркан одам.

Манзилим таҳририятда.
Салим ака,
Тошкент.

Ёшим 64 да. Болаларимдан қутулганман. Аёлим оламдан ўтган. Ёлғизлик қурсин. Ёшларнинг ўй-хаёли бошқа экан. Шундай лаҳзаларда иймон-эътиқодли бир муслима бўлса... икки ёрти бир бутун бўлиб яшасак дейман...

Манзилим таҳририятда.
Исломбек,
Сирдарё.

Ёшим 54 да. Миллатим тожик. Асли ургутликман. Хотиним билан ажрашганман. Битта оилани боқишга сармоям етади. Бир мўмин-мусулмон, камтар, ҳаёли-иболи аёл бўлса, бошимиз қовушса дейман... (Тошкентлик бўлса ҳам майли).

Манзилим таҳририятда.
Шарофиддин.
Самарқанд.

Асли Тошкент вилоятиданман. Ота-онамнинг хоҳиши билан турмушга чиқиб, бор-йўғи 3 ой турмуш қилдим. Куёвимнинг аввал севган қизи бор экан. Ажрашдик. Ҳозир Тошкентда ишлаяпман (қариндошимизникида яшайман). **Ёшим 26 да.** иш жойи тайин, ҳалол, мард йигит бўлса, мен ҳам бахтли бўлсам...

Манзилим таҳририятда.
Сарвиноз,
Тошкент.

Қизимнинг **ёши 28 да.** Келишган, одобли қиз. Кўлидан келмайдиган иш йўқ. Озодаликни, тартибни яхши кўради. Аммо жуда уятчан. Зарарли иллатлардан ҳоли, иш жойи тайин, тошкентлик йигит бўлса, овоз берсин. Зора юлдузи юлдузига тўғри келса.

Манзилим таҳририятда.
Марғуба опа,
Тошкент.

Қизимнинг **ёши 23 да.** Қиёфаси нуқсонсиз, келишган. Ҳисобчи бўлиб ишлайди. Миллатимиз уйғур. Шу қизимга мос, уй-жойли, иши тайин, ҳалол, меҳнаткаш йигит бўлса узатиш орзусидаман.

Манзилим таҳририятда.
Гулсара опа,
Тошкент.

Адам 68 ёшда. Кўп йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Ҳозир нафақада. Ҳаммамизни уй-жойли қилганлар. Ҳозир адам ёнимиздаги ҳовлида яшайдилар. Кеча-кундуз бир йўлдош-муслима бўлса, биз ҳам хотиржам бўлардик.

Манзилим таҳририятда.
Салима,
Тошкент.

Укамнинг **ёши 38 да.** Тадбиркорлик билан шуғулланади. Келишган йигит. Аммо бу дунё тўкис эмас экан. Турмуши бўлмади. Ажрашган. Уй-жойи, касби-кори тайин. Ақлли, одобли, тарбия кўрган, чаққон қиз бўлса, уйлантириш ниятидамиз.

Манзилим таҳририятда.
Наимахон,
Тошкент.

Ёшим 33 да. Уйланмаганман. Ойим билан ҳовлида яшаймиз. Ўрта махсус маълумотга эгаман. Кўринишим нуқсонсиз, зарарли иллатлардан ҳолиман. Ёлғонни ёмон кўраман. 25-26 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, ҳаёли-иболи қиз билан ҳаётимни боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда.
Адҳамжон,
Тошкент.

Ёшим 37 да. Рашк туфайли оилам билан ажрашдим. 7 йилдан буён.ёлғизман. Онам билан бирга яшайман. Ишим тайин. Баланд бўйли, замонавий, "имидж"га эгаман. Ўзимга мос, нохуш одатлардан холи, ҳаёли, боласиз аёлга уйланиш ниятидаман.

Манзилим таҳририятда.
Ойбек,
Тошкент.

Ёшим 55 да. Хотиним олам-дан ўтган. Касби-корим тайин. Уй-жойим бор. Мўмин-мусулмон, оқ-қорани таниган, вазмин аёл бўлса, ҳаётимни тўлдирса...

Манзилим таҳририятда.
Абдунаби,
Янгийўл.

Ёшим 27 да. Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Кўринишим бенуқсон. Аммо шахсий бахт ҳақида унутиб қўйганимни яқинда сезиб қолдим. Ҳалол, мард йигит бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.
Жамила,
Жарқўрғон.

Ёшим 36 да. Баланд бўйли, соғлом йигитман. Уйланмаганман. Болалигимда ота-онам Тошкентга кўчиб келишган. Асли қорақалпоғистонликман. Касб-корим, уй-жойим бор. Кўнглимга мос келадиган қизни зора эълон орқали учратсам...

Манзилим таҳририятда
Тошкент,
Аъзамжон.

Ёшим 53 да. Хотиним вафот этган. Олий маълумотлиман. Ички ишларда ишлаганман. Ҳозир нафақадаман. Болаларим уйли-жойли. Агар уйим-жойим дейдиган, ақл-фаросатли аёл бўлса, бахтим ришталарини боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда.
Жасур,
Тошкент шаҳри.

Ёшим 40 да. Олий ўқув юртида ишлайман. Умуман ичмайман, чекмайман. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланаман. Жуда соғломман. Баъзида ҳазилкаш бўлсам ҳам ҳаётга жиддий қарайман. Мени қадрлаганларни жуда қадрлайман. Инсоф, диёнат, одамийлик, ҳалоллик мен учун азалдан муқаддас тушунчалар. Вилоятдан келиб, Тошкентдан уй сотиб олдим. Ёлғиз яшайман. Оқила аёл ёки қиз билан танишиб оила қурмоқчиман. Қаердан бўлишининг фарқи йўқ. Хат ва сурат кутиб қоламан.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Галабанинг 40 йиллиги, 1-даҳаси, 700207 М.М.М.га. Талаб қилиб олгунча.

Сақифани Санобар ва Матлуба тайёрлашди.
«Оила» бўлими телефонлари: 133-04-35, 134-25-46.

Аждодларимиз қадим-қадимдан дала маликаси ҳисобланган жўхорини далаларда ўстириб келишган. Жўхори инсон учун нафақат тўйимли маҳсулот, балки, у саломатлигимиз учун ҳам кони фойдадир.

ЖЎХОРИ – ДАЛА Маликаси

2005-йил Сиҳат — саломатлик йили

"ОЛТИН ОМБОР"

Узун пояларда етишадиган, тилларанг попуклар билан қопланган олтиндек сариқ донли жўхори сўталарини нафақат пиширib ейиш, балки улардан турли таомлар, ҳатто, мазали зоғора нони тайёрлаш ҳам мумкин.

Замонавий изланишлар натижасида жўхорининг таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган дармондорилар ва микроэлементлар кўп эканлиги исботланди. Айниқса, B_1, B_6, РР ва Е дармондорилари мўл-кўл. Темир, цинк, калий ва натрийнинг кўплиги бу маҳсулотни парҳездаги ва юрак-томир хасталиги билан оғриган беморларга истеъмол қилиш имконини беради.

Жўхоридаги фосфор мия фаолиятини яхшилаб, суяклар ва тишларни мустаҳкамлайди. Шунингдек, тўқималардаги зўриқишни тез йўқотиб, асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиради.

Жўхори таркибида асабларни тез тинчлантирадиган олтин борлиги учун ноёб ўсимликлар сирасига киради.

ХОТИРА СУСАЙИШИ ВА САРАТОНГА ҚАРШИ

Жўхори оқсилга бой бўлиб, у нафақат ичак фаолиятини яхшилайди, балки танамизга тушган ҳар қандай канцероген (зарарли) моддаларни меъёрлаштиради. Шунингдек, овқат ҳазм бўлишини тезлаштиради.

Каротиноидлар эса жўхорига чиройли сариқ ранг беради. Сариқ ранг энг қувватга бой антиоксидлар бўлиб, улар инсонга хавф соладиган саратон (рак) касалининг олдини олади. Жўхори кепаги қондаги холестерин миқдорини тез камайтириш хусусиятига эга. Унинг мойи танамизни жуда зарур бўлган тўйинмаган ёғ кислоталари билан таъминлайди. Агар жўхори ва ундан тайёрланган маҳсулотларни ҳар куни истеъмол қилишга одатлансак, хотира сусайиши, яъни, атеросклерознинг олди олинаркан. Хотира сусайиши энди бошланганда жўхори ва попукларни қўшиб, тайёрланган мана бундай дамламалар ёрдам беради:

Жўхори попуклари, дўлана мевaси, қора андиз илдизи (девясил), беда гуллари (цвети клевера), укроп кўкатларининг ҳаммасидан тенг миқдорда оласиз. 20 грамм ушбу ўтлар аралашмаси устига бир литр қайноқ сув қуйиб, буғда 10 минут тутиб турасиз-да, бир соатдан кейин сузиб оласиз. Таъбга қараб асал аралаштирсангиз ҳам бўлади. Ушбу аралашмадан ярим стакандан кунига уч маҳал, овқатланишдан 30 минут олдин ичасиз. Бу муолажани бир йилда икки марта бир ойдан қайтарсангиз хотирангиз тиниқлашади.

МАСЛАҲАТЛАР:

● *Жўхори попуклари сийдик ҳайдаш, шиш, юрак-томир хасталиклари, буйрак касалликларини даволашда ишлатилади.*

● *Шунингдек, у жинсий аъзолар орқали танага микроб тушиши, ва простатитни даволашда ҳам фойдаланилади:*

● *Попукларни толокнянка (зиғирак) ўти билан икки ош қошиқдан олиб устига 0,5 қошиқ қайноқ сув қуясиз, 15 минут паст оловда қайнатиб, сўнг совутасиз. Тайёр бўлган дамламани ҳар куни 1/3 стакандан кунига тўрт маҳалдан ичасиз.*

● *Мабодо, жўхори попукларида К дармондорисининг йўқ бўлса, бу қонни қуюқлаштиради. Агар попукдан дамлама тайёрлаётганингизда, қичитқи ўтидан (Крапива) фойдалансангиз яхши бўлади. Бунинг учун 1 ош қошиқ жўхори попуги устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, ҳар куни бир чой қошиқдан ҳар 3 соатда ичиб туришингиз керак бўлади.*

КЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Парҳезшуносларнинг таъкидлашича, агар кўзларимизни етарлича озиқлантира олсак, улар ҳеч қачон хиралашмас экан. Кўз нуримизга оид барча муаммоларнинг олдини олишда бизга сабзавот, мевалар ва албатта ўзида шифобахш хусусиятларни сақлайдиган сариқ рангли дармондорилар керак экан. Жўхорининг олтиндек сап-сариқ донлари таркибидаги жуда кўп каротиноидлар, сабзи, қовоқ ва апельсин мевалари кўз нурини сақлашга катта ёрдам беради.

Фақат шуни унутмаслик керакки, жўхори сўталарини пишириш учун танланганда улар сутли-юмшоқ бўлиши керак. Етилган жўхори донлари яхши пишмайди ва ошқозонда яхши ҳазм бўлмайди.

ШИФОБАХШ ЁҒ

Жўхори донларидан тайёрланган ёғ таом тайёрлашда ишлатиш билан бирга тана учун ҳам беқиёс фойдалидир. Бу мой қондаги холестерин миқдорини камайтира олгани учун ҳам қадрланади. Унинг таркибида Е дармондорисининг мавжуд бўлиб, у тананинг қариш жараёнини секинлаштиради. Ҳатто, косметологияда ҳам терининг қайишқоқ ва ёш кўринишини таъминлаш мақсадида тайёрланадиган кремларга жўхори мойи қўшилади. Шифобахш ёғ юз терисининг намлигини сақлайди.

МИЯ УЧУН АЖОЙИБ ОЗУҚА

Углеводлар турлича бўлади. Шулардан оддийси шакар, конфетлар, музқаймоқ, ун маҳсулотлари, шоколад, мурабболар инсон танасидаги ҳамма аъзога ёпишиб олади. Аввалига глюкоза ҳаддан ташқари кўпайиб кетади ва танани ҳолдан тойдиради. Унинг сўрилиши учун ошқозон ости безлари жуда кўп инсулин ишлаб чиқаришига тўғри келади. Миянинг ҳар доим озуқа олиб туриши керак бўлган асаб томирлари етарлича озиқланишга улгура олмайди.



Таркибида крахмал бор мураккаб углеводлар эса жуда фойдалидир:

Жўхоридан тайёрланган бўтқа, кепакли нон, сабзавот, дуккакли маҳсулотлар ошқозонга тушиши билан секин ҳазм бўлиб, мияга зарур бўлган озуқанинг узлуксиз сўрилишини таъминлайди.

МЎЪЖИЗАКОР ПОПУКЛАР

Агар диққат билан қарасангиз жўхори сўтасидаги каҳрабодек сариқ донлар орасидан олтинранг ипакдек попуклар осилиб турганини кўрасиз. Қадимда аждодларимиз бу ипак толаларни сеҳрли толалар деб аташгани бежиз эмас. Улар халқ табобатида сийдик ҳайдайдиган ва қонни тўхтатадиган восита ҳисобланган. Жўхори попукларида жуда кўп биологик фаол моддалар бўлиб, улар холесцистит, гепатит, холангит касалликларини даволашда катта ёрдам беради.

Жўхори попуклари янги чиққан пайтида йиғиб олинади ва осиб қўйиб қуритилади.

ТАБОБАТ ОЙНАСИ

ЭНГ ФОЙДАЛИ, ЭНГ МАЗАЛИ...

Жўхори унидан мазали зоғора, турли бўтқалар тайёрлаш билан бирга яна мана бундай тотли бўлакларни тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун жўхори унидан керагича олинади ва духовкага қўйиб обдон қуритилади. Сўнг яхшилаб элаб олгач, қайнаб турган сувга тахминан 1:3 миқдорида солиниб, тўхтовсиз кавлаб турилади. Паст оловда кавлаб туриб пиширилади. У қуюлгач, қозондан ажратиб олинади ва тахтакач устига қўйиб тиндирилади. Сўнг думалоқ ёки учбурчак шаклига келтирилиб, бўлакларга кесилади. Тайёр бўлган бўлакларни лаганга териб устига қирғичдан чиқарилган пишлоқ, сариёғ қўйиб, саримсоқлиёз ва тухум майдаланиб, сепилади.

Бу хушхўр таом нафақат тўйдиради, балки турли хавфли касалликларнинг олдини олишга ёрдам ҳам беради.

Саҳифани Дилдор ва Ҳамида тайёрлашди.

ЖЎХОРИ ШИФОБАХШ

Бўйи беш метргача етадиган дала маликасининг энг учидаги рангсиз гулларидан тортиб поясигача шифобахшдир. Унинг попуклари сийдик ҳайдайдиган ва қон тўхтатадиган восита ҳисобланади. Жўхорида ёшартирувчи хусусият ҳам бор. Шунинг учун кўпинча у ёши ўтган кишиларга тавсия этилади. Жўхорининг майдаланган донларидан тайёрланган экстракти ривожланаётган саратон (рак) тўқималарининг ўсишини тўхтатади.

Жўхори ёғи - қондаги холестеринни камайтириб, сийдик пуфагининг фаолиятини яхшилайди. Сийдикнинг тез ҳайдалиши эса тана учун жуда фойдали бўлиб, кўп хасталикларнинг, айниқса, хотира сусайиши (атеросклероз)нинг олдини олади.

Жўхори унида эса В,РР дармондорилари бор. Уларнинг таркибида эса каротин кўп. Ундан тайёрланган бўтқа ва зоғора нон ичаклардаги қолдиқларнинг бижғиб қолишини даволайди.

Жўхори асали эса қон босимини пасайтиради.

Халқ табобатида жўхори билан оғиздан келаётган нохуш ҳид ва тахир бўлишини даволашда фойдаланишган. Жўхоридан тайёрланган таомларни бепушт аёлларга, эркакларга ҳам қувватни ошириш учун тавсия этишган. Унинг сўтасини эса бешикка қўйиб, болани ёвуз кучлардан асрашган. Қадимда бир-бирига боғлаб қўйилган жўхори сўталарини кўзғу тепасига осиб қўйишса, шу хонадонга бахт ва омад келтираркан. Қизил жўхори донларини қуритиб, ипга тизиб бўйинга осиб юрилса бурун қонашининг олдини олар экан.

ЖЎХОРИ БИЛАН ХАСТАЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ

● Хотира сусайишининг (атеросклероз) олдини олишда жўхори ёғини ҳар куни овқатланишдан 40 дақиқа олдин 1-2 ош қошиқдан кунига икки маҳал ичилади.

ҚОН БОСИМИ ОШГАНДА

● 50 грамм жўхори попуклари устига 1 литр сув қуйилади. 10 минут қайнатилгач, кунига 2-3 пиёлачада ичилади.

● Стакан тубига бир ош қошиқ жўхори унини солиб, устига тўлгунча қайноқ сув қуйилади. Эрталаб ушбу сув ичидаги унни аралаштириб юбормасдан ичилади.

● 1/2 стакан жўхори уни устига бир стакан илиқ сув қуйиб, эрталабгача қўйилади. Сўнг икки ош қошиқдан ҳар куни овқатдан олдин 3-4 мартадан ичилса, тезда фойдасини сезасиз.

ОШҚОЗОН ЯРАСИДА

● Ҳар куни жўхорининг донлари қотмаган сўтасидан шўрва тайёрлаб истеъмол қилинг.

ЎТ-ПУФАГИ КАСАЛЛИКЛАРИДА

Ўт-пуфаги касалликларини даволашда аввало жигар тозаланади, сўнг қуйидагича даволаш бошланади:

1-куни. Оч қорингa ҳуқна (клизма) қилингач енгил овқат ейилади. Иложи борича лавлаги, олма, сабзи шарбати ичилади.

2-куни-шу муолажа қайтарилади.

3-куни-эрталаб эса ҳуқна (клизма) қилинади ва жигарга илиқ иситгич (грелка) қўйилади. Бир ош қошиқ жўхори попуклари устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. У ярим соат туриши керак. Дамлама совугач эса кечқурунги соат 19^{00} дан бошлаб истеъмол қилинади.

МУЛОЙИМЛАР УЗОҚ ЯШАЙДИЛАР

Тибет табобатининг олтин қоидаси

Ҳар бир киши сиҳат-саломат бўлишни ва узоқ умр кўришни орзулайди. Бунинг учун инсонда бешта фазилат мужассам бўлмоғи керак. Ана шуларнинг энг биринчиси ва улуғи мулойимликдир. Қолган тўрттаси - ширинсўзлик, сабр-бардошлилик, бегаразлик ва турмушда ўртаҳолликдир. Уларнинг ҳаммасидан ҳам маънавий, ҳам жисмоний мукаммаллик юзага келади. Ҳар бир ақли расо инсон ўзида ана шу бешта фазилатни пайдо қила олади. Бунинг қоидалари мана шундай.

ШИРИН СЎЗ, ҲИКМАТСИЗ БЎЛМАС

Инсон ҳамиша ширинсўзнинг қулидир. Чунки ширин сўзга юрак тафти ва беғуборлик мўъжизаси сингиган бўлади. Шу боисдан у қалб ғуборини ювади, дилни равшанлаштириб, яхши кайфият инъом этади. Бировга битта ширинсўз айтсангиз, битта яхшилик қилган бўласиз. Ана шунга яраша албатта Тангрининг сийловини оласиз.

Ширинсўзлик - шубҳасиз умрга умр қўшади. Агар сиз ширинсўзликни ҳавас қилсангиз, албатта яхши инсонларга ҳавас билан яшанг. Бундай фазилат одамда яхши амалларга риоя этиш орқали шакллана бошлайди. Биринчи навбатда ҳаммани ака-ука, опа-сингил ва қадрдон деб билинг. Бу сиздан ҳасад ва ҳусуматни узоқлаштиради, меҳр-оқибатга мойиллаштиради.

Тангри берган тилни фақат яхши сўзларни, гўзал ибораларни айтишга ишлатинг. Етти ўйлаб, очиқ чеҳра билан айтилган сўзлар, ҳақиқий дур сўзлардир. Улар ҳар қандай қалбни ёшартиради, мияга ўрнашиб қолган нафратни, адоватни, майдакашликни ва бошқа шайтоний фикрларни ўзгартириб, тафаккурни янгилайди.

Ширин сўзни айтиш учун қалбнинг ўзи ҳам беғубор бўлмоғи лозим. Бундай беғуборлик биринчи навбатда Тангрига чин дилдан ибодат қилишдан бошланур. Ибодат қалбни осуда сақлайди, мулоҳаза билан иш тутишга, ширинсўзликка ундайди.

Шуни билингки, умрнинг лаззати ширинсўзликдадир. Ширинсўз инсонларнинг дўстлари ҳам кўп бўлур. Шу боисдан улар меҳр-оқибат гулшанида яшайдилар. Ўз ўрнида айтилган ширин сўз, ҳар қандай дори-дармондан афзалдир.

ТОНГНИ ШУКР ИЛА БОШЛАНГ

Ҳар тонгни Яратганга шукр айтишдан бошланг. Сизга мана шундай шаффоф ва саховатли тонгни насиб этгани Тангрининг бебаҳо мурувватидир. Борлиққа меҳр ила боқиб, ҳамма нарсадан яхшилик нишонасини изланг. Бу билан қалбингизга саховатли туйғулар, меҳр-оқибат ришталари қуюлиб кела бошлайди. Хуш кайфият албатта қалбингизда эзгулик ҳиссини уйғотади. Жамики мавжудотга меҳрингиз ортади. Ҳаётнинг ҳар қандай чигаллигини ақл ишлатиб, ҳал қилса бўлишлигини яхшироқ тушунасиз. Ана шу туйғулар қалбингизга мулойимлик фазилатини жо қила бошлайди.

Билингки, мулойимлик тўртта инсонийлик хислати замирида пайдо бўлади. Булар - соғлом тафаккур, эзгулик, бағрикенглик ва меҳр-оқибатдир. Соғлом тафаккур одамни ошиқишдан, қизишишдан, катта зангликдан ва ҳавойи орзулардан асрайди. Шу боисдан бундай тафаккур соҳиблари инсонийлик амалларидан чалғимайдилар, юракка зўриқиш бермайдилар.

Эзгулик эса феъл-атворни майинлаштиради, қалбни яхшиликка мойиллаштиради. Кўзларга меҳр нурини қўндириб, ҳам чеҳрани, ҳам муомалани гўзаллаштиради.

Бағрикенглик бошқаларга яхшилик тиламоқликдир. У ўзига ҳасадни, ичи-қораликни, майдакашликни яқинлаштирмайди. Ғурбатсиз қалбга касаллик ҳам йўламайди.

Меҳр-оқибат айнан мулойим инсонларга хосдир. Бундай инсонларнинг чеҳрасидан ёқимтойлик аримайди. Улар тиниқ фикрларни гўзал иборалар ёрдамида ифодалай оладилар ва бошқаларга яхшилик қилишга ҳамиша ҳозирдирлар. Руҳга ҳам, вужудга ҳам зўриқиш бермайдилар. Шу боисдан узоқ умр кўрадилар ва турмушларини ҳам чиройли қила оладилар.

САБР ОТИ ҚОҚИНМАС

Сабр азим дарёга ўхшайди. Дарё суви қанчалик ўнқир-чўнқирлар оша юмаламасин, ўз шаффофлигини йўқотмайди ва ўзини-ўзи тозалашдан чарчамайди. Ҳаракатчанлик, бардош одамни ғурбатга йўлиқтирмайди. Тобора вужудни тозалаб, ўзини тиниқтириб, ҳаёт бўҳронларидан ҳормай-чарчамай ўтаверади. Яъни сабр отига минган киши саломатлик йўлларидан адашмайди.

Сабрни синдирадиган нарсаларни ҳам билиб олмоқ лозим. Сабрнинг энг хавфли душмани руҳнинг ўтмаслашувидир.

Бундай ҳолат бекорчиликдан, лоқайдликдан, умидсизликдан келиб чиқади. Уларнинг ёнига шошқалоқлик, ғазаб ва фаросатсизлик каби иллатлар ҳам осонгина жойлашиб олади. Танани хилтлар эгаллайди ва саломатликни мўртлаштириб, издан чиқара бошлайди. Ғайратсиз одам саломат бўла олмайди.

Вужудни тоза сақламоқ ва ҳар куни тиниқтирмоқ саломатликнинг синалган йўлидир. Бир умр меҳнатга иштиёқни сақлаб қолишлик, руҳни тетик, саломатликни бисёр сақлайди.

Иродани дарз кетказмайдиган тўртта метин тўсиқ мавжуд. Булар - имон-эътиқод, орзу, ғайрат ва ишончдир. Уларни мўътадил ушлаб туришда парҳезнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Қалбда орзу, ғайрат, ишонч қанчалик кучли бўлса, ёшликни ва саломатликни сақлаб қолиш шунча осонлашади. Имон-эътиқоди бутун инсонлар бир умр хиёнат кўчасидан юрмайди ва соғлигига ҳам путур етказмайди.

Шуни билингки, омадсизлик, бу - ғайратсизликдир. Мақсадни аниқ, ниятни улуғ сақлаган инсон ҳаётнинг майда-чуйда кўнгилсизликлари олдида юракни хотиржам, руҳни баланд сақлайди. хотиржамлик эса соғликнинг ишончли қўрғонидир.

ЯХШИЛИК

Беғаразлик тафаккурнинг кенглигидир. Чиройли орзулар ва чиройли мулоҳазалар қалбни беғуборликка мойиллаштираверади. Беғубор қалб эса ҳеч қачон шубҳа-гумонлар гирдобига тушмайди. Ҳаётнинг қусурларидан ҳам яхшилик излайверади. Ҳеч кимни ўзларига рақиб деб билмайдилар. Ҳар қандай муаммони очиқ кўнгиллик билан, бошқалар қалбига озор етказмай ҳал этиш йўлларини излайдилар.

Ана шундай фазилат сизни кўнгил ғашлигидан сақлайди. Бошқаларни тушунишга, уларнинг мушкулини осон қилишга ҳайрихоҳлик-ростмана беғуборликдир. Бу албатта гўзал одоб, ақл ва заковатни шакллантира бошлайди. Ундан мардонаворлик, улуғворлик фазилатлари ҳам пайдо бўлади. Демак, имон-эътиқод ҳам мустаҳкамланади. Сизда ҳар қандай ғурбат енга олмайдиган қудрат пайдо бўла бошлайди. Соғлик-саломатлик ҳеч қачон дарз кетмайди.

ИСТОВЧИ БЎЛИНГ

Шуни билингки, оғмачилик, сурбетлик, жиззакилик-касаллик кўзғовчи иллатлар. Улар мулоҳазанинг ночорлигидан юзага келади. Бундай инсонларнинг вужудида хилтлар ҳам кўпдир. Ҳаётлари ҳам пала-партиш бўлур. Агар қўлингиздан келса, ана шундай кишилар руҳиятини тозалашга кўмаклашинг. Чунки яхшилик қилган инсонни Тангри ўз шафоатига муяссар қилур.

Яхшиликда тўрт ҳикмат бўлур. Миннат кўрмайсиз, рақибни ҳам дўст қилурсиз, сизни ҳушёрлик ва зийраклик тарк этмайди. Бинобарин, вужудингизда қон айланиши ҳам бузилмайди. Яъни, беғаразлик юракни зўриқишлардан асрайди, асабни ҳам ишдан чиқармайсиз. Ана шу фазилатлар саломатликка ишончли кафолатдир.

МЕЪЁР - САЛОМАТЛИК ШОҲСУПАСИ

Табибга мурожаат қилмаган инсон, ростмана бахтиёр инсондир. Мана шуни саломатлик шоҳсупаси дейдилар ва унга албатта меъёрни сақлаш орқали кўтариласиз.

Билингки, меъёр саломатликнинг олтин калитидир. Чунки инсоннинг орзу-ҳаваси чегарасиздир. Кўз тўймайди, кўнгил қўймайди, деган ибора жуда топиб айтилган. Шундай экан, ўз меъёрингизни билинг ва саломатликка путур етказувчи ҳар қандай таваккалдан воз кечинг.

Кимки сиздан илгарилай бошласа, унга ҳавас назари билан боқинг. Унинг чиройли амалларини ўрганишдан ҳеч орият қилманг. Ўзингиз ҳам изланинг, ишингизни натижаси ҳамиша кайфиятни баланд қилур. Мол-давлатингизни ҳам меъёрида бўлгани маъқул. Одамнинг табиати шундайки, мол-давлат кўпайиб кетганида, саломатликни унута бошлайди. Ёки ҳасадгўйлик, манманлик қусурининг пайдо бўлаётганини сезмай, мағрурликка берилур. Бу саломатликнинг энг ёмон кушандасидир.

Топган давлатингизга шукр қилинг. Тангри пешонангизга битганидан бир мисқол ҳам ортиқ ололмайсиз. Оила аъзоларингизни тинч-хотиржамлиги ҳар қандай мол-давлатдан зиёдадир. Ана шунда қалбингизни меҳрибонлик тарк этмайди.

Оилада меҳр-муҳаббат бўлса, оз нарса ҳам кўп кўринур. Ана шундан бағрикенглик пайдо бўлур. Чунки меъёрни сақламоқ, саломатликни сақламоқдир. Бундай фазилат сизни ҳеч қачон пушаймонлик кўчасига яқинлаштирмайди. Меъёрни сақлаган одамийликни сақлайди ва узоқ умр кўради.

Саҳифани Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

2 3 4 5 6